2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 228 (1827), 2026 йил 4 ноябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ — САНОАТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК УЙҒУНЛИГИ

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи тафсилотлари ва муҳим ташаббуслар шарҳи



Бухоро ишлов берилаётган зумрадга ўхшайди. Энг моҳир заргарларгина бу нафис тошга маҳорат билан жило бериб, уни ҳақиқий жавоҳирга айлантиради. Ўтмишда олисдан келаётган карвонлар аҳли шариф шаҳарни кўрганида беихтиёр қувонган. Чунки бу қадимий кент Қизилқум кенгликлари аро қум бағридаги яшил зумраддек кўринган. Шу боис, уни ҳаёт тимсоли дейиш ҳам мумкин. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар сабаб Бухоронинг янги қирралари очилиб, тарихий ҳақиқатлар қайта тикланмоқда...

Президентимиз 3 ноябрь куни бунёдкорлик ишларининг бориши ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш учун Бухоро вилоятига келди.

Таомилга кўра, ташриф Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёрати билан бошланди. Ислом оламининг улуғ қадамжоларидан бири бўлган мажмуа таркибидан мақбара, хонақоҳ, масжидлар, дахма ва сўфийлик тарихи музейлари ўрин олган. Сўнгги йилларда мажмуанинг тарихий қиёфасини асраш ва зиёратчиларга қулайлик яратиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинди. Жумладан, XV аср чизмалари асосида Дониёлбий оталиқ мадрасаси ва Тоқи миёна дарвозаси таъмирланди. Музей экспозицияси ҳамда илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Зиёратгоҳда Қуръони карим оятларидан тиловат қилиниб, юртимизга тинчлик, фаровонлик ва қут-барака тилаб, дуо қилинди. Аждодларимизнинг бой маънавий меросидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш, уларни илм-маърифатга ундаш зарурлиги қайд этилди.

— Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий боболаримиз номи билан боғлиқ мажмуалар — буларнинг барчаси бир мақсадга хизмат қилади: буюк аждодларимиз илмий меросини давом эттириш ва ёшларимизни шу руҳда тарбиялаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун янги имкониятлар, мамлакатимиздаги туб ислоҳотлар туфайли Бухоро яна тарихий мақоми ва шуҳратини тиклаб, дунё аҳлини ўзига қаратмоқда. Энди у фақат туризм маскани эмас, балки саноатлашиб бораётган, иқтисодий имкониятлар ҳудуди ҳамдир. Ҳа, бугун шариф шаҳарга келаётган сайёҳлар сафида хорижнинг йирик ишбилармонлари ҳам бор. Бундай янгиланишлар эса ўз вақтида янада кенг имкониятларга йўл очади. Шу билан бирга, мамлакатимизда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш учун замонавий инфратузилмага талабни ўз-ўзидан оширади. Бухоро шаҳрида барпо этилаётган Конгресс-холл мажмуаси ва замонавий меҳмонхоналар ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мазкур мажмуада олий даражадаги учрашувлар ва бошқа йирик анжуманлар ўтказилади. Айни жиҳат Бухоронинг жозибадорлигини янада ошириб, бошланган ислоҳотлар изчиллигига пухта замин ҳозирлайди.

Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, қиймати 60 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида майдони 14,5 минг квадрат метрли бино қуриляпти. Ҳозир асосий бетонлаштириш ишлари якунланиб, ташқи муҳандислик тармоқларини тортиш ҳамда фасад, том қисмлари тикланяпти. Бундан ташқари, шу ҳудудда 37 миллион долларлик “Hilton Garden Inn” меҳмонхонаси ҳам қуриляпти. Етти қаватли бинонинг асосий конструкцияси қуриб битказилган. Ҳозир ички деворлар, муҳандислик тармоқлари ва фасад билан боғлиқ ишлар бажарилмоқда.

Шу ердаги яна бир лойиҳа “Holiday Inn” меҳмонхонаси учун 39,6 миллион доллар маблағ ажратилган. У ҳам етти қаватли бинода жойлашади. Меҳмонхона ёнида эса икки қаватли бизнес маркази барпо этиляпти. Меҳмонхонада том монтажи ва ички деворлар қурилиши давом этмоқда, бизнес маркази ертўласида эса бетонлаштириш жараёни якуний босқичда. Умуман, мажмуа Бухорода сайёҳлик хизматларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиб, йирик иқтисодий-маърифий тадбирлар учун кенг имконият очади.

Давлатимиз раҳбари объектлардаги ишлар билан яқиндан танишди. Барпо этилаётган иншоотлар Бухорода халқаро тадбирларни юқори савияда ўтказиш, туризм хизматлари кўламини кенгайтириш учун муҳимлиги, бу эса аҳоли даромадини ошириш ва ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қурилиш ишларини белгиланган муддатда, сифат талабларига қатъий риоя этган ҳолда якунлаш бўйича топшириқлар берилди.

Гап юртимизнинг сайёҳлик имконияти ҳақида кетар экан, уни ҳам худди Бухоро каби ишлов берилаётган зумрадга муқояса қилиш мумкин. Қимматбаҳо тошга қанча ишлов берилса, қиймати шунча ортади. Фақат бу йўлда аслиятни асраш шартлигини асло унутмаслик зарур. Кейинги йилларда юртимизда янги туризм манзиллари очилиб, имкониятлар кенгайтириляпти. 2025 йилда юртимизга келган сайёҳлар сони 2016 йилдагига нисбатан қарийб олти баробар ошгани бу имкониятлар кўламидан дарак бериб турибди. Шу даврда туризм хизматлари экспорти ўн бир карра кўпайган.

Мамлакатимиз етакчиси ташрифнинг навбатдаги манзилида вилоятга сайёҳларни янада кенг жалб этиш имкониятларини кўрсатиб ўтди. Хусусан, Бухоро шаҳридаги Қўшмадраса ансамбли ана шундай имкониятни беради.

Мазкур ансамблда иккита меъморий мерос жойлашган. Улардан бири Абдуллахон мадрасасидир. XVI аср ўзбек меъморчилигининг нодир намуналаридан бири бўлган мадраса 1588-1590 йилларда Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдори, буюк саркарда ва давлат арбобларидан бири Абдуллахон II томонидан бунёд этилган. Мадраса ўз даврида Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва нуфузли олий таълим ҳамда илм-фан марказларидан бири бўлган. Бу ерда толиби илмларга диний ва дунёвий фанлардан дарс берилган. Хусусан, мадрасада Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид билан бир қаторда араб тили ва адабиёти, мантиқ, фалсафа, математика, геометрия, тиббиёт фанлари чуқур ўқитилган.

Мадрасанинг меъморий режаси ва ички тузилиши мураккаб муҳандислик ечими билан бойитилган. Айни жиҳати туфайли у Бухородаги бошқа мадрасалардан фарқ қилади. Мажмуанинг бош кириш қисми жанубга қараган. У кўк рангли кошин ва сирли нақшлардан терилган геометрик мозаика билан безатилган.

Ансамблнинг жанубий қисмида эса Модарихон мадрасаси жойлашган. Уни Абдуллахон II онаси шарафига 1566-1567 йилларда бунёд эттирган. Қўшмадраса ансамблига ҳозир 1 миллион сайёҳ келмоқда. 2023-2024 йилларда қиймати 6 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида қисман реставрация қилинган ансамблнинг салоҳиятини янада кенгайтириш имкони бор. Бунинг учун мажмуани замон талаблари асосида реставрация қилиш зарур.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Қўшмадраса ансамблини реставрация қилишга доир тақдимот билан танишди. Сайёҳларга янада қулай шароит яратиш, реставрация жараёнида миллий ва халқаро тажрибани кенг қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Замонавий дунёда туризм иқтисодиётнинг драйверидир. Бухоро эса дунёда ўхшаши йўқ сайёҳлик манзилларидан. Айни пайтда вилоятнинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, ишлаб чиқариш қуввати ошиб боряпти. Буларнинг барчасидан оқилона фойдаланишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Бухоро шаҳрида қурилаётган янги туризм маркази шу маънода тарихий аҳамиятга эга йирик лойиҳа. У шунчаки сайёҳлик маскани эмас, балки халқимизнинг ўзлигини намоён этувчи муҳташам иншоотдир. Масалан, ҳозир сайёҳлар бу ерга қадимий Бухоронинг тарихий обидалари билан бирга ҳунармандчилик ва гастрономия анъаналарига қизиқиши сабаб ҳам келмоқда. Янги марказ шундай бой меросни замонавий хизматлар билан уйғунлаштиради.

Бир пайтлар Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис ҳам Бухорода савдо-сотиқ доим баравж бўлган. Ҳунармандчилик ривожланган шаҳарда илм-маърифат етакчилари яшаган. Мазкур жиҳатлар сабаб қадим ва шариф шаҳарда дунё илм-фанининг долзарб масалалари муҳокама қилиниб, муҳим иқтисодий келишувлар тузилган. Айни пайтда халқимизнинг бой маданий мероси, маданияти карвонларга қўшилиб дунёга тарқалган.

Майдони 50 гектарли янги туризм маркази замонавий Бухоронинг тарихий илдизларини қайта тиклашга хизмат қилади. Бунинг учун лойиҳага жами 105 миллион доллар инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган. Шу орқали мажмуада йирик халқаро маданий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказиш учун шароит яратилади.

Жумладан, ҳудудда қабуллар уйи, кўргазмалар зали, музей, иккита замонавий меҳмонхона, 80 та оилавий меҳмон уйи, 2000 ўринли амфитеатр, 70 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этилади. Шунингдек, сайилгоҳлар, ҳунармандчилик марказлари ва сунъий кўл ташкил этилади. Иншоотлар қиёфасида Бухоро меъморчилигига хос анъаналарни замонавий ечимлар билан уйғунлаштириш назарда тутилган.

Президентимиз жорий йил январда Бухоро шаҳрининг бош режаси муҳокамасида маданият лойиҳаларини туризмни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифатли бошқарувини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Мазкур марказ ҳам меҳмонлар учун турли хизматларни бир ҳудудда жамлашга қаратилган.

Ҳозир марказнинг 10 гектар майдонида муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ишлари бажарилмоқда. Мазкур жараёнга 50 га яқин махсус техника жалб қилинган. Мажмуа тўлиқ ишга туширилгач, 2000 та иш ўрни очилади. Қолаверса, Бухорога қўшимча 2 миллиондан ортиқ сайёҳ жалб этиш мумкин.

Президентимиз лойиҳанинг аҳамияти бунёд этилаётган бинолар билан белгиланмаслиги, асрлар давомида илм-маърифат, савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган Бухоронинг шуҳратига муносиб муҳит яратиш, унинг бой меросини дунёга янада кенг танитиш муҳимлигини қайд этди. Янги марказга келган меҳмон шариф шаҳарнинг тарихий руҳини ҳис этиши, бугунги тараққиётини кўриши, бухороликлар эса туризм ривожидан иш ўрни топиши ва даромад кўриши лозим. Давлатимиз раҳбари лойиҳани ана шу мақсадлардан келиб чиқиб амалга ошириш вазифасини қўйди.

Давоми 2-бетда

ТУРКИЙ ДУНЁ: ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ

Асрлар давомида бир йўлдан юрган, бир бозорда савдо қилган, бир-бирининг қувончу ташвишларига шерик бўлган туркий халқларни бугун янада яқинлаштираётган омиллар кўп. Бироқ замон энди бу яқинликка бошқача мазмун юкламоқда. Энди гап фақат муштарак тарих ва маданият эмас, балки умумий бозор, ягона иқтисодий манфаат ва халқаро майдонда биргаликда рақобатлаша олиш салоҳияти ҳақида бормоқда.

Нуқтаи назар

Туркий давлатлар ташкилотининг Анқарада “Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтган саммити айнан шу жиҳати билан аҳамиятли бўлди. Президентимиз илгари сурган ташаббуслар туркий бирдамликни амалий иқтисодий натижалар билан бойитишга қаратилгани билан эътиборга молик. Зеро, бугунги дунёда тарихий яқинликнинг ўзи камлик қилади. Уни савдо, саноат, инвестиция, транспорт ва технология соҳаларидаги ҳамкорлик билан мустаҳкамлаш зарур.

Ташаббуслар ҳақида фикр юритишдан олдин бир оз ортга назар ташласак. Туркий давлатлар яқинлашуви анча олдин бошланган. Жумладан, 2009 йилда Нахичеван битими асосида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига асос солинган. Аммо яқин йилларгача тил, дин ва маданий бирликдан ташқари бу давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги кенгайиши кечиккани бир оз чуқурроқ мулоҳазага ундайди.

Биргина Марказий Осиё мисолида кўрсак. Яқин йилларгача минтақа ривожига тўсиқ бўлган омиллардан бири давлатлар ўртасидаги ўзаро англашилмовчилик, сиёсий қарашлар билан бирга собиқ иттифоқдан “мерос” қолган чегара масаласи эди.

Давоми 4-бетда

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР ШИДДАТИ

Якунига етган октябрь ойи мамлакатимиз ҳаётида ташқи сиёсий мулоқот, инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш каби масалалар муҳим ўрин эгаллагани билан ёдда қолди. Жараён таҳлили бу даврда халқаро алоқалар билан бир қаторда тиббиёт, энергетика, таълим ва миллий маданиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатди.



Ташқи сиёсат: минтақавий ҳамкорлик ва халқаро мулоқот

Октябрнинг биринчи ярмида давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсий фаолияти Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро мулоқотда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш йўналишига қаратилди. Хусусан, **7-9 октябрь** кунлари Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркманистонда бўлиб, Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашуви ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида иштирок этди. Ушбу тадбирлар минтақавий савдо, энергетика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим ва хавфсизлик каби масалаларни муҳокама қилиш учун муҳим майдон бўлди.

Давлатимиз раҳбари 8 октябрь куни “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувида саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва янги технологияларни жорий этиш, энергетика, сув ресурслари ва экология масалаларини биргаликда ҳал қилиш бўйича таклифларни илгари сурди. Учрашув якунида қўшма баёнот қабул қилинди ва кўп томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Давоми 3-бетда

Президентимиз модернизация ишларини белгиланган муддатларда ва юқори сифат билан бажариш, янги қурилмаларни мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларига уйғун ҳолда жорий этиш ҳамда корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 4 ноябрь, 228-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ — САНОАТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК УЙҒУНЛИГИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг дунёга очилиши мамлакатимиз иқтисодиётида катта сакрашга сабаб бўлди. Биринчидан, тадбиркорларимиз бемалол хориж бозорига чиқиб, миллий брендларимизни халқаро даражада танитмоқда. Қолаверса, чет эллик сармоядорлар юртимиздаги иқтисодий жозибадор лойиҳаларда бемалол иштирок этиш имконига эга бўлди. Йил сайин улар сафи кенгайиб, ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Вьетнамнинг “ROX Group” компанияси ҳам ана шундай сармоядорлардан.

Президентимиз Бухорога ташрифи чоғида мазкур компания томонидан мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Унда компания вакиллари Бухорода иккита, Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ва Самарқандда биттадан — жами тўртта шаҳарсозлик лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Уларнинг умумий майдони 285 гектарни, инвестиция ҳажми 4,5 миллиард долларни ташкил этади. Лойиҳалар 115 минг киши учун мўлжалланган.

Жумладан, Бухоро туманида 65 гектар, Бухоро шаҳрида эса 25 гектар майдонда янги турар жой массивлари қурилиши бошланди. Уларда 30 минг кишига мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, савдо, хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар объектлар барпо этиш кўзда тутилган.

Учтепа туманидаги лойиҳа замонавий шаҳар муҳитини яратиш, Самарқанддаги ташаббус сайёҳлик мажмуаси атрофидаги инфратузилмани кенгайтиришга қаратилган. Вьетнамлик инвестор Жиззах вилоятининг Зомин туманида саноат зонаси ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Президентимиз тақдим этилган концепцияларни маъқуллаб, лойиҳаларда илғор шаҳарсозлик ечимларини қўллаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Мутасаддиларга лойиҳалар учун зарур инфратузилма ва амалга ошириш механизмларини компания билан биргаликда пухта ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ташриф доирасидаги навбатдаги манзилда Ўзбекистон етакчиси “Бугунги Бухоро буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзланмоқда”, дея таъкидлади.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги йилларда вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари кескин ошди. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат ва изланишлар, хорижлик сармоядорларга яратилган имконият, маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самараси ётибди. Вилоятда бундай ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, ташриф чоғида Президентимиз янги объектларни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги тўққиз йилда вилоятга 9,5 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилиниб, 6000 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш қуввати ва 120 мингта доимий иш ўрни очилганини қайд этди. Натижада халқимиз турмуш тарзи яхшиланиб боряпти. Ишсизлик камайиб, камбағаллик қисқармоқда. Буни Бухоронинг марказидан то олис манзилларигача бўлган ҳудудларни кезиб, одамлар билан суҳбатлашганлар тасдиқлайди.



Маросимда эса халқимиз фаровонлигини янада ошириб, иқтисодий қувват, ижтимоий бирдамлик берадиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Жумладан, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, энергетика, тоғ-кон саноати, фармацевтика, рақамли технологиялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, уй-жой қурилиши, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида умумий қиймати 7,8 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳадан иборат дастур шакллантирилган. Шундан 654 миллион долларлик 55 та лойиҳа ишга туширилмоқда, қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган яна 90 тасининг қурилиши бошланмоқда.

Аҳамиятлиси, мазкур лойиҳаларга ривожланган мамлакатлардан йирик ишбилармонлар сармоя киритмоқда. АҚШ, Канада, Германия, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Вьетнам, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Россия ва Ҳиндистон инвесторлари шулар жумласидан. Шунингдек, лойиҳаларда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ҳамда маҳаллий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

Лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 14 мингдан ортиқ иш ўрни очилади. Йилига 22 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 510 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлиши кутилмоқда.

— Мақсадимиз битта — импорт ўрнини босадиган ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, — деди давлатимиз раҳбари.

Бухоро кейинги йилларда мамлакатимизнинг йирик энергетика марказларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, “яшил” энергетикага 2 миллиард доллар жалб қилиниб, минг мегаваттли шамол ва 750 мегаваттли қуёш электр станциялари, шунингдек, 63 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари ишга туширилди. 601 километр магистрал электр тармоғи тортилди.

Ғиждувонда “ACWA” компанияси билан 300 мегаваттли “Бош-2” шамол электр станцияси, Жондорда “Toyota Corporation” ва Пешкуда “Sinoma” компаниялари иштирокида умумий қуввати минг мегаватт бўлган шамол электр станциялари қурилиши давом этмоқда.

Хитойлик ҳамкорлар билан Когон туманида маиший чиқиндилардан электр энергияси олиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 165 миллион доллар бўлган лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган энергияга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида бўлган тадбиркорлар ҳозирданоқ харидор бўлишини маълум қилган.

— Қадимий обидалар, маданий мерос ва замонавий инфратузилма уйғунлиги Бухорони сайёҳларнинг севимли масканига айлантиряпти. Бугунги тадбиримиз ўтаётган, янгидан барпо этилаётган Бухоро туризм маркази ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказда “Боқий Бухоро” маданий-этнографик парки, кўргазмалар зали, замонавий меҳмонхоналар, маданий ва кўнгилочар масканлар барпо этилади. Шунингдек, Бухоро шаҳрида “Indigo”, “Holiday Inn” ва “Hilton” халқаро брендлари остида меҳмонхоналар ташкил этиш режалаштирилган.

> **Давлатимиз раҳбари сўнгги тўққиз йилда вилоятга 9,5 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилиниб, 6000 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш қуввати ва 120 мингта доимий иш ўрни очилганини қайд этди. Натижада халқимиз турмуш тарзи яхшиланиб боряпти. Ишсизлик камайиб, камбағаллик қисқармоқда.**

— Умуман, Бухорода қиймати 3 миллиард долларлик 19 та йирик лойиҳани бошлаймиз. Агар бу ишларни тизимли ташкил қилсак, биргина Бухоронинг ўзида бемалол 5 миллиард долларлик туризм хизматлари экспортини таъминлаймиз, — деди Президентимиз.

Шунингдек, вилоятнинг транзит салоҳиятини уч карра оширишга қаратилган, қиймати 565 миллион доллар бўлган еттита йўл лойиҳаси амалга оширилади.

Президентимиз рамзий тугмани босиб, янги объектларни ишга туширди ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт берди. Хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган йирик халқаро тадбирларга тайёргарлик масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда бўлажак тадбирлар Бухоронинг бой тарихий мероси ва бугунги салоҳиятини намоён этиш билан бирга вилоятни ривожлантиришга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Бунинг учун тайёргарликни тадбирлар ўтадиган жойлар билан чекламай, транспорт, хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва шаҳар инфратузилмасини яхлит ҳолда ривожлантириш зарур.

Йиғилишда олий даражадаги учрашувлар ва йирик халқаро тадбирларни юқори савияда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Ҳар бир вазирлик ва идорага хорижлик ҳамкорлар билан ўз йўналиши бўйича мазмунли мулоқотга тайёргарлик кўриш, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг амалий натижаларини кўрсатиш ва янги қўшма ташаббуслар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бухорода замонавий вазият марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, жамоат жойлари ва сайёҳлик объектларидаги ҳолатни рақамли технологиялар ёрдамида кузатиш, йўл ҳаракатини бошқариш ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича режалар муҳокама қилинди. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Бухоронинг иқлим шароитини ҳисобга олиб яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт ва буталар экиш билан бирга уларнинг парвариши учун суғориш ҳамда дренаж тизимларини ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Халқаро тадбирлардан инвестиция ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Саноат кооперацияси, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт-логистика ва экспорт соҳаларида хорижий шериклар билан амалий келишувларга эришиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Шунингдек, вилоятда қайта тикланувчи энергетика лойиҳалари, электр энергиясини узатиш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш ишлари муҳокама қилинди. Меҳмонларни вилоятдаги кенг имкониятлар ва изчил давом этаётган ислоҳотлар кўлами билан таништиришга ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари тайёргарлик жараёнида қуриладиган ҳар бир объект ва жорий этиладиган ҳар бир тизим тадбирлардан кейин ҳам бухоролликларга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга ҳудудларга чиқиб, ишларнинг боришини шахсан ўрганиш, муаммоларни жойида ҳал этиш ва барча вазифалар ижросини қатъий мувофиқлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи тиғиз иш режими асосида қизғин кечди. Юрт фаровонлиги, халқ розилиги йўлидаги бундай меҳнатлар эса мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, бир неча йил олдин чўл, ташландиқ жой бўлган ҳудудлар ҳам иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинига айланяпти. Бухоро туманидаги “Tekhnochem” корхонаси ҳам фикримиз далилидир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида мазкур корхонада бўлиб, нефть-кимё кластерининг фаолияти ва истиқболли режалари билан танишди. Мазкур кластер нефть ва газ конденсати, нафта, метанол ҳамда пиролиз дистиллятини қайта ишлашга ихтисослашган. Ушбу йўналишдаги мажмуа республикада ягонадир.

Йилига 100 минг тонна пиролиз дистилляти, шунингдек, 160 минг тонна нафта ва газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга корхонада 500 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Лойиҳа ёнилғи билан бир қаторда кимё саноати учун зарур маҳсулотлар олиш имконини беради. Жумладан, октанбустер бензин сифатини ошириш, эриткичлар эса бўёқ, лок, елим ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланади.

Президентимизга кластерни кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, 2028 йил якунигача 292 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натижада газ конденсати ва нафтани қайта ишлаш, ароматик углеводородлар ҳамда эриткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг эвазига йиллик қайта ишлаш қуввати қўшимча 400 минг тоннага ошиши ва 700 та янги иш ўрни очилиши кутилмоқда. Янги қувватлар ишга тушиши билан технологлар, муҳандислар, кимёгарлар ва лаборатория мутахассисларига эҳтиёж ҳам ортади. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан ҳудудда касбий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Корхона томонидан Марказий Осиё давлатлари, қўшни Афғонистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларига йилига 180 минг тоннага яқин нефть-кимё маҳсулотлари, автобензин ва дизель ёнилғисини экспорт қилиш режалаштирилган. Шунингдек, 2028-2030 йилларда 150 минг тонна суюлтирилган газни қайта ишлаш лойиҳаси юзасидан хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари кластернинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги қувватлар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тавсиялар берди.

Президентимиз ташрифининг навбатдаги манзили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бўлди. Бу ерда заводни модернизация қилиш лойиҳаси билан танишилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1997 йилда Франциянинг илғор “Аксенс” технологияси асосида “Текнип” компанияси томонидан барпо этилган. Чорак асрдан буён республиканинг асосий ёнилғи базаларидан бири сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, 3200 дан зиёд маҳаллий мутахассис меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида 12,1 триллион сўмлик 1,36 миллион тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Афғонистон ва Тожикистон каби қўшни давлатларга 99,5 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Йил якунигача бу кўрсаткични 116 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Ўз навбатида, завод ички эҳтиёжларни қоплаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, давлат бюджетига 838,1 миллиард сўмлик тушумни таъминлаётир.

Бугун бу ерда қилинаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Бинобарин, углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлашга қаратилган модернизация лойиҳасининг аҳамияти техник янгиланишдан анча кенг. У Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллиги ва экспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилувчи стратегик лойиҳадир.

Биринчидан, кейинги йилларда Ўзбекистон саноати хомашё экспорт қилиш моделидан воз кечиб, хомашёни чуқур қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобига юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичига фаол ўтмоқда. Юқори технологияга асосланган ушбу жараёнда мавжуд ички имконият ва ресурслардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада айни пайтга келиб жами саноат маҳсулотларининг 85 фоиздан ортиғи айнан қайта ишлаш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Лойиҳа ушбу мақсад йўлидаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида хомашёни чуқур қайта ишлашни кенгайтиришга замин яратади.

Иккинчидан, бугун глобал энергетика бозорида маҳсулот сифати ва экологик стандартларга талаб ҳар қачонгидан ҳам юқори. Гарчи завод бугун ҳам нефть ҳамда газ конденсатини қайта ишловчи йирик саноат корхоналаридан бири бўлса-да, янги Ўзбекистон саноатидаги янгиланишлар Бухоро НҚИЗни замон талабларига мос модернизация қилиш заруратини юзага келтирди.

Қиймати 328 миллион долларлик янги модернизация лойиҳаси доирасида заводда энг замонавий нафтани гидротозалаш ва изомеризация қилиш қурилмалари ўрнатилади. Ушбу технологик янгиликнинг асосий икки стратегик аҳамияти бор.

Биринчиси, жаҳон бозорида рақобатбардош ва экологик зарари минимал бўлган юқори октанли АИ-92 ва АИ-95 маркали автобензинларни тўлиқ Евро-5 стандарти асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу атмосферага ташланадиган зарарли газлар миқдорини кескин камайтириш ва йирик шаҳарлардаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилади.



Иккинчиси, хомашёни дастлабки босқичда фракцияларга ажратишдан бошлаб, оғир қолдиқларни чуқур қайта ишлаш тизими жорий этилиши ҳисобига ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошади. Яъни йилига қўшимча 2,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қуввати яратилиб, заводнинг умумий йиллик қуввати 5 миллион тоннага етказилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг икки баравар кўпайиши, ўз навбатида, ички бозорда ёнилғи тақчиллиги хавфини бартараф этади. Евро-5 стандартига ўтилиши эса маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги геосиёсий ва иқтисодий устунлигини таъминлайди. Саноатнинг “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида ривожланиши мамлакатимизнинг барқарор келажагини кафолатлайди.

Шу тариқа завод фаолияти сифат ва ҳажм жиҳатидан мутлақо янги босқичга ўтади. Асосийси, янги модернизация лойиҳасининг молиявий таъминоти соғлом иқтисодий ёндашувга асосланган: умумий қийматнинг 49 миллион доллари заводнинг ўз маблағлари, қолган 279 миллион доллари эса хорижий кредитлар ҳисобидан қопланади.

Президентимиз модернизация ишларини белгиланган муддатларда ва юқори сифат билан бажариш, янги қурилмаларни мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларига уйғун ҳолда жорий этиш ҳамда корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди. Шу ерда лойиҳада иштирок этаётган хорижий компаниялар вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди.



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ой давомида илгари сурилган ташаббус ва режаларнинг аҳамияти уларнинг амалий ижроси, аҳоли турмуш сифатига таъсири, иқтисодий самарадорлиги ва жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларда намоён бўлиши билан белгиланади.

ДАВР НАФАСИ

3

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 4 ноябрь, 228-сон

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР ШИДДАТИ



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Саммит доирасида Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан музокаралар ўтказилди. Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзолангани музокараларнинг муҳим натижаси бўлди.

9 октябрь куни Президентимиз МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди ҳамда савдо ва саноат ҳамкорлигини кенгайтириш, транспорт алоқаларини ривожлантириш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича таклифларни илгари сурди. Мамлакатимиз етакчиси саммитнинг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистоннинг 2027 йилдаги МДҲга раислигининг устувор йўналишларини баён қилди. Саммит якунида ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Президентимизнинг **14-15 октябрь** кунлари Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этгани Ўзбекистон ташқи сиёсатининг навбатдаги муҳим йўналиши бўлди. Давлатимиз раҳбари Осиёда ишонч инфратузилмасини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Технологик ишонч ва сунъий интеллектдан масъулият билан фойдаланиш бўйича Осиё ташаббусини илгари сурди ҳамда иқлим барқарорлиги соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Саммит доирасида Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти Тхонглун Сисулит, Камбоджа Қироллиги Бош вазири Хун Манет ва Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан алоҳида учрашувлар бўлиб ўтди.

Бундай учрашувларнинг аҳамияти дипломатик алоқалар билан чекланмайди. Минтақавий келишувлар савдо йўлларини ривожлантириш, транспорт харажатини камайтириш, энергетика соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун имконият яратиши мумкин. Бироқ бу имкониятларнинг ҳақиқий самараси келишувларнинг бажарилиши ва иқтисодий натижаси билан баҳоланади.

Ўзбекистоннинг йирик халқаро иқтисодий шериклар билан муносабатлари ҳам октябрь ойида кун тартибининг муҳим қисми бўлди. **19 октябрь** куни Президентимиз АҚШ Давлат котиби Марко Рубионни қабул қилди. Шу куни Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий ҳамкорлигининг янги устувор йўналишлари белгиланди. Стратегик шерикликни ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Марко Рубио ҳамда АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горни давлат мукофотлари билан тақдирлади.

Марко Рубио “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Унинг Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси эътироф этилди.

Сержио Гор эса Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда стратегик шерикликни кенгайтиришга қўшган ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Унинг сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, икки томонлама келишувларни амалга ошириш, америкалик сармоядорларни жалб этиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътироф этилди.

Мамлакатимиз етакчиси Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилиши очилишида иштирок этди. Тадбирда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио, АҚШ Президентининг махсус вакили Сержио Гор, Американинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотларга тўхталиб ўтди. Саноатни янада ривожлантириш ва замонавий инфратузилмани барпо этиш учун инвестициялар жалб қилиш жараёни илғор технологияларни жорий этиш, билим ва тажриба алмашиш билан бирга олиб борилиши зарурлиги таъкидланди.

Бу борада АҚШ бизнеси билан ҳамкорлик қилиш бўйича катта тажриба тўпланган таъкидланди. Бугун Ўзбекистонда Америка сармояси иштирокидаги юзлаб компаниялар фаолият юритмоқда. Улар билан саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, таълим ва янги технологиялар соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда Ўзбекистон компаниялари ҳам АҚШ иқтисодиётига инвестиция кирита бошлаётгани мамнуният билан эътироф этилди.

Ўзбекистон Президенти **29-30 октябрь** кунлари амалий ташриф билан Туркияда бўлиб, Анқара шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг 13-саммитида иштирок этди ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо, транспорт алоқалари ва энергетикани ривожлантириш ҳамда минтақавий ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш саммитнинг асосий мавзулари бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб оладиган “Туркий дунё — 100” дастурини қабул қилиш, туркий давлатларнинг логистика тармоғини яратиш, “ТДТ плюс” форматини ривожлантириш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш ҳамда туризм ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш каби ташаббусларни илгари сурди.

Саммит Анқара декларацияси ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар қабул қилиниши билан якунланди. Тадбирда навбатдаги саммитни 2027 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ТДТ 13-саммитидаги иштироки якунлари, илгари сурилган муҳим ташаббуслар ва уларнинг туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти халқаро экспертлар томонидан эътироф этилиб, етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

“Ўз” ғояси илгари сурилди

Уч йил аввал қурилиши бошланган Янги Тошкент мамлакатимиз тарихидаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳасидир. Хавфсиз ва “яшил” шаҳар сифатида барпо этилаётган ҳудудда биринчи босқичнинг ўзида замонавий технологик ечимларга асосланган 50 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шаҳарда 2000 гектар яшил майдон ва 500 гектар истироҳат боғлари ташкил этилади. “Яшил қурилиш стандартлари” асосида 150 миллион квадрат метр турар ва нотурар жой майдонлари барпо қилинади. Ўтган даврда Янги Тошкентда 2 миллиард долларлик ишлар бажарилди. Турар жойлар, университетлар, кутубхона ва амфитеатр қурилди.





Октябрь сарҳисоби

Президентимиз **12 октябрь** куни Янги Тошкентда бунёд этилган навбатдаги иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳаларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Унда умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган еттита объект ишга туширилди.

Булар “Шарқ баҳори” турар жой массивининг биринчи босқичи, йўл ва инфратузилма объектлари, “Янги Тошкент” 1-сон нимстанцияси, тригенерация станцияси, Савдо-саноат палатаси биноси, “Соҳил боғи” истироҳат боғи ҳамда 2000 ўринли умумтаълим мактабидир.

Маросимда Хитой, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа хорижлик ҳамкорлар иштирокида умумий қиймати 2,5 миллиард доллар бўлган яна ўнта йирик лойиҳа қурилишига старт берилди.

Давлатимиз раҳбари Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш масалалари юзасидан шу куни инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Президентимиз инвесторларни маҳаллий ва хорижликка ажратишга муносабат билдирар экан, “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ!” деб таъкидлади. Шу маънода, Янги Тошкент ва “Ширин” массиви қурилишида иштирок этаётган ҳар бир тадбиркор юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги ғоя — “ЎЗ” фалсафаси илгари сурилди. Мамлакатимиз етакчиси инвестор ва тадбиркорларни “Ўз ғоянг! Ўз сармоянг! Ўз келажагинг! Янги Ўзбекистон, Янги Тошкент — ўзимизники!” деган янги шиор атрофида бирлашишга чақирди.

“ЎЗ” — Ўзбекистон, Ўзгариш, Ўзлик ва Масъулият дегани. Кимки юртимизга сармоя киритиб, замонавий технология олиб келса ва одамларга иш ўрни яратса, қайси мамлакат ёки шаҳардан келганидан қатъи назар, умумий тараққиётга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон етакчисининг **21-22 октябрь** кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи тафсилотлари ва муҳим ташаббуслар ҳақида тўхталишдан аввал бир гапни айтиш ўринли бўларди: Қашқадарё саноати ривожланиб, миллий маҳсулотлари жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаб, аҳолиси бугунидан рози, эртанги кунига катта ишонч билан яшаётган вилоят!

Президентимизнинг Қашқадарёга бу галги ташрифи ана шу ўсиш, ўзгаришларга янада кўтаринки руҳ ва сўнмас шиддат бағишлади. Айни дамда янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар кўламига муносиб янги марралар белгилаб берилди. Масалан, ҳудудга жалб қилинаётган инвестициялар мавзусига чуқурроқ ёндашиб кўрайлик. Яратилаётган имконият ва шароитлар туфайли мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш истагидаги хорижлик сармоядорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Қашқадарёга сўнгги беш йилда 20 триллион сўм йўналтирилиб, 7 миллиард долларлик чет эл инвестицияси жалб қилинган. Натижада хомашёни чуқур қайта ишлайдиган минглаб лойиҳалар ишга тушди. Даромад аҳоли жон бошига уч баравар ошди. Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ана шундай инвесторларнинг бир гуруҳи билан мулоқот қилиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт берди.

— Энди етиштирилган маҳсулотни вилоятнинг ўзида чуқур қайта ишлаб, воҳа аҳолисининг муносиб даромад топишига шароит яратиш керак, — деди Президентимиз.

Умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 161 та янги лойиҳа ана шу мақсад учун хизмат қилади. Маросимда 69 та лойиҳа ишга туширилди. Яна 92 тасининг қурилишига старт берилди. Ишга туширилаётган 28 та саноат корхонасида 7000 га яқин доимий иш ўрни очилмоқда. Муҳими, ушбу ишлаб чиқариш қувватлари замон талабларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистон етакчиси вилоятга сармоя, янги технология ва инновациялар олиб кираётгани учун хорижлик инвесторларга миннатдорлик билдирди. Уларнинг таклифларини тинглади.

22 октябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кўплаб масалалар қатори йирик лойиҳаларнинг самараси ҳар бир маҳаллада сезилиши кераклигига эътибор қаратилди. Қамаши туманидаги Чим маҳалласида мактаб, боғча, поликлиника, ёшлар маркази, спорт мажмуаси ва истироҳат боғи барпо этилди. Энг муҳими, маҳаллада камбағал оила ва ишсиз аҳоли қолмади. Келгуси йил Мустақиллик байрамигача шу тажриба асосида ҳар бир туманда иккитадан замонавий маҳалла маркази ташкил этилади. Миришкорда лимончилик, балиқчилик ва боғдорчилик лойиҳалари бошланади, ижарага берилган ерларда юқори даромадли экинлар етиштириш кўлами кенгайтирилади.

Бундай ташаббусларни амалга оширишда банклар фақат янги кредит маҳсулотларини таклиф этиш билан чекланмаслиги таъкидланди. Уларнинг иши ресурс олган корхоналар сони ва бизнеснинг ўсиши билан баҳоланади. Кредит ажратишда пул оқими ва аниқ буюртмаларни ҳисобга олиш, тадбиркорлардан сўраладиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш якунида вилоят ва туманлар ҳокимларининг ахбороти тингланди, фаоллар билан мулоқот қилинди.

Маърифат ва маънавият кесишган нуқта

Таълим соҳасидаги ҳар бир ўзгаришнинг ҳақиқий қиймати, аввало, инсон ҳаётидаги натижаси билан ўлчанади. Зеро, таълим олишимиздан асосий мантиқ ҳам шунда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз **3 октябрь** куни “Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Бу мамлакатимизда таълим ва илм-фан соҳасини изчил ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат таълим ва илм-фан тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ўзаро уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш, энг муҳими, билим ва илмий салоҳиятни мамлакат тараққиётининг стратегик омилига айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, ушбу фармон замирида таълимнинг турли босқичларини ягона мантиқ асосида боғлаш, илм-фаннинг таълим билан уйғунлигини кучайтириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган яхлит тизимни шакллантириш мақсади мужассам.

Фармоннинг стратегик аҳамияти Президентимиз илгари сурган 7 та миллий дастур мазмуни билан ҳамоҳанг. Давлатимиз раҳбари биринчи миллий дастурни билим ва малакани тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришга йўналтиришини таъкидлади. Бу ёндашув таълим ва илм-фанни ижтимоий соҳанинг алоҳида йўналишлари сифатида кўришдан кенгроқ маъно касб этиб, инсон салоҳиятини мамлакат тараққиётининг бош омили даражасига кўтаришни назарда тутади. Шу жиҳатдан Таълим ва илм-фан вазирлигини ташкил этиш мазкур стратегик мақсадни таълимнинг барча босқичи ва илм-фан тизимида изчил амалга ошириш учун муҳим институционал асос яратади.

Фармонга мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги негизида Таълим ва илм-фан вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирликнинг ваколати мактабгача таълим ва тарбиядан бошланиб, умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий, олий, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшимча ҳамда норасмий таълимгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

Мазкур ўзгаришнинг аҳамияти, аввало, таълимнинг инсон ҳаётидаги узлуксизлигига янгича ёндашувда кўринади. Инсоннинг билим ва кўникмалари бир таълим босқичидан иккинчисига ўтган сари бойиб бориши, мактабда олинган билим касбий ва олий таълимда ривожланиши, кейинчалик эса меҳнат фаолияти ва илмий изланишлар билан узвий давом этиши керак. Ягона вазирлик ана шу узвийликни бошқариш учун институционал асос яратади.

7 октябрь куни Президентимиз Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда таълим тизимининг барча босқичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Тақдимотда янги вазирлик фаолиятини жойлардаги ҳақиқий ҳолатга таяниб ташкил этиш, такрорланувчи вазифаларни қисқартириш ва ҳудудий бўғинлар масъулиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Бошқарувни рақамлаштириш ва таҳлилий салоҳиятни ошириш қарорларни ишончли маълумотлар асосида қабул қилишга хизмат қилиши таъкидланди.

* * *

Президентимиз **26 октябрь** куни пойтахтимиздаги “Ренессанс” кино уйига ташриф буюриб, кинематография соҳаси ходимлари билан учрашди ҳамда соҳада амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режаларни муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари бу даргоҳда миллий кино тарихимиз, бир неча авлод ижодкорларининг меҳнати, халқимизнинг экранга кўчган орзулари, интилишлари ва армонлари мужассам эканини таъкидлади.

“Маҳаллада дув-дув гап”, “Ўткан кунлар”, “Шум бола”, “Чинор остидаги дуэль”, “Суюнчи” каби фильмларнинг қаҳрамонлари хотирамизда яқин инсонлардек сақланиб қолган. Улардаги бир лавҳа, бир оғиз сўз ёки таниш куй болалигимиз, бобо-бувиларимиз ва қадрдон маҳалламизни кўз олдимизда гавдалантиради.

Президентимиз ўз даврида сиёсий ва мафкуравий босимлар қанчалик оғир бўлмасин, ижодкорларимиз ана шундай миллий санъат асарларини ярата олганини таҳсинга сазовор деб баҳолади.

“Ўзбекфильм” яратган бу мактаб мустақиллик йилларида ҳам давом эттирилди. 2016 йилда фильмлар олиш учун давлат бюджетидан 10 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўзида 218 миллиард сўм берилди. Давлатимиз раҳбари натижада миллий фильмларимизнинг салмоғи ва сифати ошганини, соҳага ўнлаб хусусий киностудиялар кириб келганини таъкидлади.

Президентимиз кино яратиш учун замонавий инфратузилма барпо этилишини маълум қилди. “Ўзбекфильм”нинг 10 гектар ҳудудида кино хизматлари жамланган ягона индустриал кластер — “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси” ташкил этилади. Унда замонавий технологиялар билан жиҳозланган Дубляж ва овозлаштириш маркази қурилади.

— Мазкур даргоҳда миллий кино тарихимиз, бир неча авлод ижодкорларининг меҳнати, халқимизнинг экранга кўчган орзулари, интилишлари ва армонлари мужассам, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари кино халқлар бир-бирини танишига хизмат қилиши, ўз тарихи, маданияти ва миллий қаҳрамонларини жаҳон экранларида муносиб кўрсата олган мамлакатнинг овози ва таъсири кенгайишини таъкидлади. Кино бугун мамлакатнинг халқаро нуфузини оширадиган “юмшоқ куч”га айланган. У фарзандларимиз онги ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз етакчиси “Ўз” ғоясининг кино санъатидаги ифодасини “Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”, дея таърифлади. Экранда улуғ аждодларимиз билан бирга бугун ёнимизда яшаётган инсонларнинг ҳам ҳаққоний қиёфаси акс этиши кераклигини айтди. Ўқитувчилар, шифокорлар, спортчилар, Ватан ҳимоячилари, тадбиркорлар, қурувчилар ва ёшларнинг ҳаёти таъсирли фильмлар учун катта мавзу экани қайд этилди.

— Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизга шу ернинг ўзида кино соҳасига замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш ва “O‘zbekfilm” миллий кино брендини яратиш юзасидан таклифлар тақдимот қилинди.

Устувор вазифалар ижроси ўзаро уйғунлик касб этади

Юқоридаги тафсилотлардан ташқари, бир ой ичида давлатимиз раҳбари иштирокида долзарб мавзулар муҳокама қилинган 12 та тақдимот, 23 та қабул ва телефон мулоқотлари бўлиб ўтди. Президентимиз 8 та табрик ва мурожаат йўллади. Имзоланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони эса 94 тани ташкил қилди. Шундан 10 таси қонун, 28 таси фармон, 53 таси қарор ва 3 та фармойишдир.

Умуман олганда, октябрда Ўзбекистонда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мамлакат тараққиётининг ташқи ва ички йўналишларидаги устувор вазифалар ўзаро уйғунликда амалга оширилаётганини кўрсатди. Ташқи сиёсатда Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ҳамкорлар билан стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва транспорт боғлиқлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ички сиёсатда эса инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, таълим ва илм-фан тизимини такомиллаштириш ҳамда миллий маънавий меросни асраб-авайлашга қаратилган ташаббуслар кун тартибидан ўрин олди.

Ой давомида илгари сурилган ташаббус ва режаларнинг аҳамияти уларнинг амалий ижроси, аҳоли турмуш сифатига таъсири, иқтисодий самарадорлиги ва жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларда намоён бўлиши билан белгиланади. Бу эса белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул идоралар фаолиятининг натижадорлиги, жамоатчилик назорати ва очиқликни таъминлаш муҳимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик салоҳиятини кенгайтириш, ички тараққиётни жадаллаштириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишларини яна бир бор намоён этди.

2026 йил 4 ноябрь, 228-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар аҳолиси эса 180 миллион киши. Бу аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Очиқ манбаларга кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти 2,5 триллион долларга тенг. Бу улкан ишчи кучи ва катта истеъмол бозори дегани. Агар ташкилотга аъзо давлатлар ўз салоҳиятидан тўғри фойдаланса, ўзаро имкониятлар алмашинуви орқали кўплаб иқтисодий имкониятлар эшиги очилади.



Нуқтаи назар

ТУРКИЙ ДУНЁ: ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, ёнма-ён яшовчи қардош халқлар ўзаро ёки ташқи алоқаларни кенгайтиришга, биргаликда иш кўришга ҳаракат қилишса, шу нозик масала — чегара муаммоси қўзғатилаётган ҳолатлар ҳам кузатилган. Ҳатто сиёсий низолар халқларни бир-бирига душман қилиб, юз кўрмас даражага олиб келди. Буни тарихда бўлиб ўтган чегара низоларини кўз олдимизга келтириб ҳам эслашимиз мумкин.

Бугун манзара буткул ўзгармоқда. Минтақада нафақат тинчлик шукуҳи, балки халқларнинг бир-бирига муносабати ҳам тубдан ўзгараётир. Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ўз фаолиятининг беш йиллигига бағишланган фильмда Тожикистон ва Қирғизистон чегарасидаги мураккаб масалани ҳал этишда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўрни ва кўмагини алоҳида эътироф этгани бежиз эмас. Хусусан, икки давлат ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашиб кетмаслиги, можаро минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид солишининг олдини олиш учун давлатимиз раҳбари томонидан икки томонни фаол мулоқот ва музокараларга ундашга қаратилган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этганига урғу берилади.

Албатта, барча давлатларнинг бир ёқадан бош чиқариб, чегара масаласини ҳал қилишга келишгани, эски адоватларни унутиб, янги истиқболлар сари қадам ташлаётгани, минтақадаги тинчлик ва ҳамкорлик нафақат инвестицияга йўл очгани, балки минтақага нисбатан халқаро ишончни ҳам кучайтиргани ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Бироқ мавзудан четлашиб кетамиз. Биз урғу бермоқчи бўлган жиҳат минтақадаги тинчлик Туркий давлатлар ташкилотининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан халқаро майдонда муҳим тузилмага айланишига қайсидир маънода замин яратганидир.

Бугун халқаро майдондаги манзара, иқтисодий бўҳронлар, сиёсий ўйинлар, бир давлатнинг бошқа бири чегарасини бузиб ўтиб, ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиб, ўз кучини кўрсатаётган бир пайтда халқлар ўртасидаги низолардан манфаатдор кучлар мавжуд бўлган шароитда яқин дўст ва ҳамкор топиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланмоқда. Бундай вақтда асрлар давомида бир ҳудудда яшаган, савдо қилган, қувончу ташвишларни бирга баҳам кўрган халқлар ўртасидаги яқинликни ҳеч ким инкор этолмайди. Энди бу яқинликни иқтисодий кучга айлантириш ҳар қачонгидан муҳим масала бўлиб бормоқда.

Масалага бир оз кенгроқ ёндашсак. Бугун яқин йилларгача жуда катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Европанинг ўзи ҳам қўшимча бозор ва ишчи кучи изламоқда. Бунга аҳоли сони камайиши, атрофида юз бераётган сиёсий низолар сабаб бўлаётир.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар аҳолиси эса 180 миллион киши. Бу аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Очиқ манбаларга кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти 2,5 триллион долларга тенг. Бу улкан ишчи кучи ва катта истеъмол бозори дегани. Агар ташкилотга аъзо давлатлар ўз салоҳиятидан тўғри фойдаланса, ўзаро имкониятлар алмашинуви орқали кўплаб иқтисодий имкониятлар эшиги очилади.



> **Президентимиз нутқида ноёб ва стратегик минералларни чуқур қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки бугун дунё янги энергетика даврига кирмоқда. Ким бу жараёнда фақат хомашё етказиб берувчи бўлиб қолса, иқтисодий қийматнинг катта қисмини бошқалар яратади.**

Анқарада бўлиб ўтган саммитда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Туркий дунё — 100” ташаббуси ҳам бу борада аҳамиятлидир. Боиси, бугун табиий бойликларга эгалик қилишнинг ўзи ёки фақат хомашё етказиб бериш ҳеч бир давлатга иқтисодий устунлик бермаяпти. Буни жаҳон бозоридаги жараёнлардан ҳам кўриш мумкин. Электромобиль, аккумулятор, яримўтказгич ва қайта тикланувчи энергетика технологиялари учун зарур ноёб минералларга талаб кескин ортиб бормоқда. Аммо бу ресурсларнинг кимга тегишли эканидан кўра, уларни ким қайта ишлаши ва ким замонавий маҳсулотга айлантириши муҳимроқ бўлиб бормоқда.

Президентимиз нутқида ноёб ва стратегик минералларни чуқур қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки бугун дунё янги энергетика даврига кирмоқда. Ким бу жараёнда фақат хомашё етказиб берувчи бўлиб қолса, иқтисодий қийматнинг катта қисмини бошқалар яратади.

Глобал таъминот занжирлари қайта шаклланаётган, халқаро савдо йўналишларидаги беқарорлик кучаяётган бугунги шароитда транспорт-логистика тизимини ривожлантириш стратегик аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Марказий Осиёни Озарбайжон ва Туркия орқали Европа билан боғлайдиган Ўрта йўлак минтақамиз давлатлари учун янги иқтисодий имкониятлар эшигини очади. Зеро, Хитойдан Европа бозорларига йўналтирилаётган улкан товар оқимининг бир қисмини Марказий Осиё орқали ўтказиш нафақат транспорт харажатларини оптималлаштириш, балки минтақамизни халқаро савдо ва логистика марказларидан бирига айлантириш имконини ҳам беради.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғини ташкил этиш ва уни биргаликда бошқариш ташаббуси илгари сурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу, аввало, иштирокчи давлатларда замонавий транспорт терминаллари, божхона постлари, омборхоналар, улгуржи савдо марказлари ва логистика мажмуаларини барпо этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади. Натижада юк ташиш билан боғлиқ хизматлардан тортиб, савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона ва бошқа соҳаларгача бўлган иқтисодий фаоллик жонланади. Энг муҳими, бундай жараёнлар минглаб янги иш ўрни яратиб, аҳоли даромадлари ва ҳудудлар иқтисодий салоҳияти ошишига хизмат қилади.

Очиқ маълумотларга кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши қарийб 10 фоизни ташкил этади. Бу жуда катта кўрсаткич. Зеро, туризм минглаб завод ва фабрикалар сингари иқтисодиётга даромад келтирадиган, бир вақтнинг ўзида кўплаб соҳаларни ҳаракатга соладиган муҳим тармоқдир. 2025 йилда туркий давлатларга 100 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюргани ҳам минтақанинг улкан туристик салоҳиятидан далолат беради.

Бугун дунёда туризм иқтисодиётнинг муҳим таянч тармоғига айланган мамлакатлар кўп. Улар тарихий обидалари, бетакрор табиати, миллий урф-одатлари ва маданий меросини жаҳонга намоён этиш орқали ҳар йили миллиардлаб даромад олмоқда. Энг муҳими, бу жараён меҳмонхона, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, ҳунармандлик ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан саммитда илгари сурилган “Туркий туризм альянси”ни ташкил этиш ташаббуси муҳимдир. Зеро, туркий халқларнинг бой тарихи, қадимий шаҳарлари, бетакрор табиати ва меҳмондўстлик анъаналарини биргаликда жаҳонга тарғиб қилиш орқали минтақамизни ягона йирик туристик макон сифатида шакллантириш имконияти мавжуд.

Масалага бир оз чуқурроқ ёндашсак, биргина Европа Иттифоқи мисолида юқоридаги ташаббуснинг аҳамияти нақадар муҳим эканини кўришимиз мумкин. Бугун Европа мамлакатлари ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Европа Иттифоқи фуқаролари бошқа аъзо давлатларга миллий ID-карта ёки паспорт орқали уч ойгача бориб, эркин сафар қилиши мумкин. Фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши, чегаралардан ўтиш тартиби соддалаштирилиши ва ягона иқтисодий макон шаклланиши Европа интеграциясининг муҳим таянчларидан бирига айланган. Маълумотларга кўра, бугун Шенген ҳудудида 450 миллиондан зиёд аҳоли чегараларда мунтазам паспорт назоратисиз сафар қилиш имкониятига эга. Ҳар йили ушбу ҳудудда бир миллиарддан ортиқ сафар амалга оширилади. Бу эса туризм, савдо, меҳнат бозори ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Туркий давлатлар ҳам ана шу тажрибадан келиб чиқиб фуқароларнинг ўзаро сафарларини енгиллаштиришга қаратилган кўп томонлама битимни ишлаб чиқиши муҳим. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятларини кенгайтириш, чегарадан ўтиш ва мезбон давлат ҳудудида бўлиш тартибларини соддалаштириш халқларимиз ўртасидаги боғлиқликни янада жонлантиради. Бунинг натижасида сайёҳлар оқими кўпаяди, тадбиркорлар учун янги имкониятлар очилади, меҳнат ва таълим алмашинуви кенгаяди. Энг муҳими, интеграция жараёнлари фуқаролар ҳаётида ҳам амалий ифодасини топади.

Бугун жаҳон иқтисодиётининг янги харитаси чизилмоқда. Бу харитада кимнинг қандай ресурсга эгалиги билан бирга уни ким билан биргаликда ишлатиши, қайси бозорларга чиқа олиши ва қандай ҳамкорлик занжирларини ярата билиши ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Туркий давлатлар эса бундай ҳамкорлик учун зарур кўплаб имкониятларга эга. Уларни бирлаштириш орқали минтақа нафақат йирик истеъмол бозори, балки саноат, логистика, туризм ва замонавий технологиялар марказларидан бирига айланиш имкониятига эга бўлади.

Албатта, бу йўлда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар кам эмас. Иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, қонунчиликдаги тафовутларни қисқартириш ва қўшма лойиҳаларни изчил амалга ошириш талаб этилади. Аммо энг муҳими, бугун бундай ҳамкорлик учун сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч асослари шаклланмоқда.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашувлар

Оролбўйи халқаро инновация марказидаги сўлим табиат кишини доим ўзига жалб қилади. Ана шу гўзал ва ёқимли табиат аста-секин юртимиз кенгликлари бўйлаб қулоч ёзаётганини ҳис этасиз. Бу бежиз эмас. Ахир Оролбўйи ҳудудида ва Орол денгизи қуриган тубидаги шўрланган ерда экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш, дарахт ва бута кўчатларини экишда қўлланадиган замонавий сув тежовчи технологияларни қўллаш марказнинг асосий вазифасидир.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА



— Мажмуа тажриба-синов ишларини ўтказиш учун экспериментал майдонлар яратади, — дейди Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Бахитжан Ҳабибуллаев. — Унда инновацион технологиялар ва илмий ёндашувлар синовдан ўтказилади. Жумладан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, чўл ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни интродукция қилиш ҳамда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш ишлари бажарилади. Шунингдек, ҳудудларда экологик соғлом муҳитни шакллантириш, “яшил” энергетика ва агроўрмон мелиорациясини ривожлантириш бўйича ишлар қилинади. Халқаро ташкилотлар билан экологик муаммоларга ечим топиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилади.

Марказ илмий тадқиқотлар олиб бориш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 80 дан ортиқ хорижий ва маҳаллий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувлар ва меморандумлар имзолаган. Жумладан, Хитой Фанлар академиясининг Синьцзян Экология ва география институти билан Оролбўйи минтақасида “яшил” технологияларни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва намойиш этиш бўйича қўшма лаборатория ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бунинг учун марказга қиймати 127 минг долларлик лаборатория ускуналари етказиб берилди. Ҳозир ихтисослашган лаборатория иш бошлаган. Унда Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларининг тажрибаси ҳамда технологияларидан экологик тикланиш, сувни тежаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва биохилма-хилликни сақлаш каби муҳим йўналишларда фойдаланилади. Айни пайтда лойиҳалар доирасида тупроқ ва сувнинг шўрланиш даражаси, шунингдек, бошқа кўрсаткичлар бўйича лаборатория таҳлиллари ўтказилмоқда.

Шунингдек, Синьцзян Экология ва география институти билан ҳамкорликда Қорақалпоғистонда доривор саҳро женшени (цистанхе)ни етиштириш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Мўйноқдаги илмий ишлаб чиқариш майдончасида хитойлик олимлар билан бирга саҳро женшени уруғи тажриба тариқасида экилмоқда.

Оролбўйи халқаро инновация маркази Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологияси институти билан ҳамкорликда яна бир катта лойиҳа амалга оширилди. Орол денгизи ҳудудида озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш учун чорвачилик соҳасида галофит ўсимликлардан ем-хашак етиштиришнинг иқлимга чидамли инновацион ёндашувлари ва технологиялари мавзусидаги лойиҳага 2,8 миллиард сўм ажратилган. 2022-2025 йилларга мўлжалланган лойиҳа асосида шўрланган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати комплекс баҳоланди. Шўрланишнинг асосий омиллари ва заҳарли тузларнинг вертикал тақсимланишига таъсири аниқланди.

— Марказимиз Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда қиймати 969,42 миллион сўмлик “Орол денгизи қуриган туби шароитида чўл озуқабоп ўсимлик навларини синаш ва истиқболли тур навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш” мавзусидаги 2022-2025 йилларга мўлжалланган лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Унинг доирасида чўл ўсимликларининг 400 килограмм уруғи Орол денгизининг қуриган тубига экилди. Лойиҳа натижасида қора саксовулнинг “Нортуя” ва черкезнинг “Барака” навлари ҳудуд шароитига яхши мослашди. Шу билан бирга, юқори шўрланиш ва озуқа моддалар танқислиги асосий чекловчи омил экани аниқланди. Буни бартараф этиш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ишлаб чиқилди, — дейди Бахитжан Ҳабибуллаев.

Абу-Даби тараққиёт фонди (БАА) “Қорақалпоғистоннинг деградацияга учраган ҳудудларида барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштирмоқда. 2023-2026 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа Мўйноқ ва Нукус туманларидаги 2 гектар тажриба майдонида амалга оширилмоқда. Унинг доирасида жўхорининг 23 нави, Африка тариғининг 6 намунаси, ловия, мошнинг 4 та нави, кунгабоқарнинг 3 нави Оролбўйи ҳудудида экилиб, синалмоқда. Орол денгизи бўйидаги экологик инқироз оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

“Қорақалпоғистоннинг деградацияга учраган ҳудудларида барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси нуфузли “Energy Globe Award 2024” мукофотининг миллий ғолиби бўлди. Лойиҳа доирасида марказ ҳузурида қиймати 1,970 миллиард сўмлик интеграциялашган агро аквакултура тизимлари иншоотлари қуриб битказилди. Ушбу замонавий тизим 2025 йил сентябрда Абу-Даби тараққиёт фонди ва ICBA ташкилоти раҳбарияти томонидан тантанали ишга туширилди. Ҳозир мазкур тизимда балиқлар, шўрга чидамли сабзавотлар ва спирулина сув ўти муваффақиятли етиштирилмоқда.

— Президентимизнинг 2020 йил 12 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, Мўйноқ туманида “Оролдаги боғим” лойиҳаси доирасида манзарали дарахтзорлар барпо этиш бўйича ишлар бажарилмоқда. Лойиҳа доирасида Мўйноқда 14,5 гектарли манзарали ва мевали дарахтзорлар, Оролнинг қуриган тубидаги 122 гектарда саксовул кўчатзори барпо этилди, — дейди лойиҳа раҳбари Тожиддин Асомиддинов. — Марказ ҳузурида “Боғбонлар мактаби” ташкил этилди. 2024 йили Нукус туманидаги 2 гектар ерда олма, нок, шафтоли кўчатлари экилди ва интенсив боққа асос солинди. Унда томчилатиб суғориш тизими ўрнатилди. Доривор наъматак ва чилонжийда плантацияси ташкил этилди. Мўйноқ туманидаги 7,6 гектар майдонда жўхори, кунжут, кунгабоқар, доривор чилонжийда, жийда, гожи ва чўл ўсимликлари майдони яратилиб, Оролнинг қуриган тубидаги 1 гектар майдонда чўл ўсимликларининг кўргазмали майдончаси барпо этилди.

Оролбўйи инновацион марказининг лойиҳалари билан танишар эканмиз, ҳақиқатан иқлим шароити учун мос келадиган ишланмага гувоҳ бўлдик. Марказ томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан биргаликда қиймати 261 миллион сўмни ташкил қиладиган “Ҳовуз усулида сунъий йўл билан артемия ўстириш” лойиҳаси 2024 йилда бошланган эди. Хўжайли туманида 2 гектар майдонда сунъий сув ҳавзалари барпо этилиб, ҳовузларга артемия цисталари солинган. Лойиҳа натижа бера бошлади. Бу нафақат иқтисодий фойда, балки минтақанинг экологик фаровонлиги ва барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшиши кутилмоқда. Ҳозир мониторинг ва тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Оролбўйи халқаро инновация маркази, Германиянинг Дрезден техника университети ва Инновацион ривожланиш агентлиги ҳамкорлигида халқаро лойиҳа йўлга қўйилди. “FARM” деб номланган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 805,8 миллион сўмни ташкил этади. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун Қорақалпоғистон ер ости сувидан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишдир. Мазкур халқаро лойиҳани амалга ошириш ишлари 2025 йил март ойидан бошланган. Унинг доирасида минтақада ер ости сувидан фойдаланиш истиқболлари белгиланиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун муҳим таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳозир тегишли илмий тадқиқот ишлари изчил давом эттирилмоқда.

— Оролбўйи халқаро инновация маркази негизида “яшил” билим ва ечимларни трансфер қилиш бўйича илмий-ахборот платформаси ишга туширилади. Ушбу ташаббусни Президентимиз 2023 йили Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон — бир йўл” халқаро форумида илгари сурган эди. Платформа Хитойнинг Синьцзян Экология ва география институти билан ҳамкорликда ташкил этилади. Янги тизим орқали илмий ишланмалар, инновацион технологиялар ва амалий ечимларни ҳаётга жорий этиш режалаштирилган. Шунингдек, ушбу платформа халқаро илғор тажрибаларни маҳаллий шароитга мослаштиришга хизмат қилади, — дейди Бахитжан Ҳабибуллаев.

Шунингдек, марказ томонидан 2023 йилдан буён синов тариқасида етиштирилаётган ғаров (арундо) ўсимлиги майдонини 2026 йилда кенгайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Қолаверса, “Оролдаги боғим” лойиҳасини кенгайтириш, хусусан, саксовул экиш майдонларини кўпайтириш мақсадида халқаро донор ташкилотлар билан музокаралар ўтказилмоқда.

Мазкур лойиҳалардан ташқари марказ томонидан ер ёнғоқ, кунжут ва жўхори етиштириш, манзарали ва доривор, чўлга, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар учун кўргазмали майдонча ҳамда кўчатхона ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу лойиҳаларни молиялаштириш масалалари юзасидан халқаро донор ташкилотлар билан музокаралар давом этмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Академиянинг хорижий ҳамкорлик йўналишидаги фаолияти 2025 йилда изчил ривожланди. Корея Республикаси, Германия ва Франциядаги тегишли таълим ҳамда давлат бошқаруви муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган дастурлар тингловчиларнинг касбий ривожланишига хизмат қилди.



Камолот пиллапояси

Бугунги глобал ўзгаришлар даврида давлат бошқаруви самарадорлиги, энг аввало, инсон капитали сифати, раҳбар кадрлар салоҳияти ва замонавий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилияти билан белгиланмоқда. Рақамли технологиялар жадал ривожланаётган, сунъий интеллект бошқарув жараёнларига тобора чуқур кириб бораётган бир шароитда давлат хизматчисидан нафақат мавжуд вазифаларни бажариш, балки янгича фикрлаш, стратегик қарорлар қабул қилиш ва келажакдаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ҳам талаб этилмоқда.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА – ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ЙЎЛИДА



Раима ШИРИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси проректори, филология фанлари доктори, профессор

Давлат бошқаруви учун салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш ва илғор хорижий тажрибани миллий амалиётга олиб кириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, замонавий давлат бошқаруви, аввало, билимга таянган қарорлар, инновацион ёндашувлар ва юксак масъулият уйғунлигидир.

Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда муҳим институционал ислоҳотлар кечмоқда. Президентимиз фармони асосида Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Президент ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси этиб қайта ташкил этилди. Бу ўзгариш академия фаолиятида янги босқични бошлаб бериб, бошқарув кадрларини тайёрлаш сифатини ошириш, таълим ва илмий тадқиқотларга халқаро стандартларни жорий этиш, шунингдек, хорижий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди.

Замонавий раҳбарнинг кучи фақат қарор қабул қилишда эмас, балки ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, янгиликни англаш ва уни натижага айлантиришдадир. Мазкур фармонда белгиланган устувор вазифалар қаторида давлат хизматчилари ва бошқарув кадрлари салоҳиятини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш, касбий компетенцияларга асосланган таълим тизимини такомиллаштириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув дастурларини амалга ошириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси томонидан ташкил этилаётган хорижий стажировка ва малака ошириш дастурлари ана шу вазифаларнинг амалий ифодасидир. Бу дастурлар тингловчиларга бошқа мамлакатларнинг давлат бошқаруви тажрибасини ўрганиш, самарали институционал ечимлар билан танишиш, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда халқаро профессионал алоқаларни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Академиянинг хорижий ҳамкорлик йўналишидаги фаолияти 2025 йилда изчил ривожланди. Корея Республикаси, Германия ва Франциядаги тегишли таълим ҳамда давлат бошқаруви муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган дастурлар тингловчиларнинг касбий ривожланишига хизмат қилди.

Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти (NHI) билан ҳамкорликда “Келажак лидерлари” курси тингловчиларидан 15 нафари Жанубий Кореяда стажировка ва малака ошириш дастурида иштирок этди.

Жанубий Корея тажрибаси давлат бошқарувида рақамли ечимлардан фойдаланиш, инсон ресурсларини ривожлантириш ва институционал самарадорликни ошириш масалаларини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бундай дастурлар тингловчиларнинг замонавий бошқарув ёндашувлари ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш билан бирга ўзлаштирилган билимларни миллий шароитга мослаштириш учун ҳам замин яратади.

Германияда Ханнс Зайдел жамғармаси ва Бавария давлат бошқаруви мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилган дастурда “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби”нинг 21 тингловчиси қатнашди. Мазкур ҳамкорлик, айниқса, ҳудудий бошқарувни такомиллаштириш, раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш ва маҳаллий даражада самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш тажрибасини ўрганишда аҳамиятлидир.

Шунингдек, “Раҳбар аёллар” ўқув курси тингловчиларидан 11 нафари Францияниг Давлат бошқаруви миллий институти (INSP) билан боғлиқ стажировка дастурида иштирок этди. Ушбу йўналиш раҳбар аёлларнинг бошқарув салоҳиятини ривожлантириш, профессионал билимларини кенгайтириш ва халқаро тажриба алмашувини кучайтиришга хизмат қилади.



Ҳамкорлик географияси

2026 йилда академиянинг халқаро ҳамкорлик алоқалари янги мамлакатлар ва таълим муассасалари билан бойиди. Жорий йилнинг сентябрь ҳолатига кўра, Озарбайжон, Италия, Хитой, Қирғизистон ва Франциядаги дастурларда тингловчиларнинг иштироки таъминланди. Шу йўналишларда жами 23 тингловчи иштирок этди. Бундан ташқари, KOICA ва NHI билан ҳамкорликда Корея Республикасида соҳасидаги замонавий ёндашувларни ўрганишдан иборат.

Давлат молиясини бошқариш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва давлат қарорларининг иқтисодий асосланганлигини таъминлаш бошқарув самарадорлигининг муҳим шартларидир. Шу нуқтаи назардан, Европа тажрибасини ўрганиш давлат ресурсларидан фойдаланиш сифатини ошириш ва миллий шароитга мос бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш учун фойдали имконият яратади.

Энг муҳим мезон

Хорижий стажировка ва малака ошириш дастурлари самарадорлигини фақат уларда иштирок этган тингловчилар сони ёки қамраб олинган мамлакатлар географияси билан баҳолаб бўлмайди. Асосий натижа ўзлаштирилган билимнинг иш жойида қандай қўлланилиши, бошқарув жараёнларига нима ўзгариш олиб кириши ва жамоат манфаатларига қай даражада хизмат қилишидир.

Шу нуқтаи назардан, халқаро стажировкаларнинг кейинги босқичида бир қатор вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ҳар бир дастур учун аниқ ўқув мақсадлари ва кутилган натижаларни белгилаш зарур. Бу тингловчиларнинг хорижга боришдан олдинги эҳтиёжларини аниқлаш, дастур мазмунини мақсадли шакллантириш ва унинг натижаларини холис баҳолаш имконини беради.

Иккинчидан, стажировкадан қайтган иштирокчилар ўзлаштирган тажрибасини ҳамкасблари билан мунтазам ўртоқлашиши, амалий семинарлар ва тақдимотлар ўтказиши муҳим. Бу орқали хорижда олинган билимлар алоҳида иштирокчи доирасида қолиб кетмай, бутун ташкилотнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, хорижий тажриба асосида аниқ амалий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг жорий этилишини кузатиб бориш лозим. Бошқарув жараёнларини рақамлаштириш, давлат хизматлари сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ёки ҳудудий бошқарувни такомиллаштириш каби йўналишлардаги амалий ташаббуслар стажировкаларнинг реал самарасини кўрсатиши мумкин.

Тўртинчидан, халқаро ҳамкорликни бир марталик ташрифлар билан чеклаб қўймасдан, қўшма ўқув дастурлари, илмий тадқиқотлар, экспертлар алмашинуви ва узоқ муддатли институционал шериклик асосида ривожлантириш муҳим.

Академиянинг 2025-2026 йиллардаги хорижий стажировка ва малака ошириш дастурлари давлат бошқаруви кадрларини ривожлантиришда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади. Корея Республикаси, Германия, Франция, Озарбайжон, Италия, Хитой, Қирғизистон, Малайзия, Чехия, Польша, Туркия ва Испания билан боғлиқ дастурлар турли бошқарув моделлари, таълим ёндашувлари ва замонавий технологияларни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Айниқса, сунъий интеллект, рақамли трансформация, давлат молияси ва инновацион бошқарув каби йўналишларнинг халқаро ўқув дастурларида алоҳида ўрин эгаллаётгани келгусида давлат хизматчиларига қўйиладиган янги талаблар билан ҳамоҳангдир.

Бироқ ҳар қандай халқаро тажрибанинг ҳақиқий қиймати уни миллий шароитга мослаштириш ва амалиётга татбиқ этиш орқали намоён бўлади. Шу боис, академия олдидаги муҳим вазифа хорижий ҳамкорлик қамровини кенгайтириш билан бирга унинг натижадорлигини тизимли баҳолаш, ўзлаштирилган билимларни бошқарув амалиётига жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдир. Давлатнинг эртанги куни бугун тайёрланаётган кадрларнинг билими, тафаккури ва масъулиятида намоён бўлади.

Зеро, мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган самарали бошқарув, аввало, билимли, ташаббускор, стратегик фикрлайдиган ва янгиликка очиқ раҳбар кадрларга таянади. Халқаро тажрибани миллий манфаатлар билан уйғунлаштириш эса ана шундай кадрларни тайёрлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Эзгу ташаббус

“ИККИНЧИ ИМКОН”: ТАҚДИРЛАРНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий қилинган “Иккинчи имкон” лойиҳаси илк натижаларини бера бошлади. Яъни лойиҳага жалб этилган маҳкумларнинг инглиз тилини ўзлаштириш даражаси ўртача 89 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, тингловчиларнинг 80 фоизи “Компьютер саводхонлиги” курсини муваффақиятли ўзлаштирди.

Илк натижалар

Бугун республикамизнинг 11 та жазони ижро этиш муассасасида 18-30 ёш оралиғидаги 300 дан ортиқ маҳкум инглиз тили ва замонавий касб-ҳунарларни ўрганмоқда. Қисқа муддат — беш ой давомида қўлга киритилган дастлабки натижаларнинг ўзиёқ лойиҳанинг нақадар самарали эканини кўрсатмоқда.

Лойиҳа доирасидаги машғулотлар 2026 йил 1 июндан Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида бошланганди. Тест синовлари ва оғзаки суҳбат орқали саралаб олинган 311 маҳкум ўтган давр мобайнида хорижий тил ҳамда компьютер саводхонлиги курслари бўйича интенсив таҳсил олди.

Инглиз тилининг “А1” даражаси ва “Компьютер саводхонлиги” курслари бўйича якуний назорат ўтказилди. Натижалар тингловчиларнинг 88,6 фоизи инглиз тили, 79,5 фоизи компьютер саводхонлиги бўйича бошланғич билимларни муваффақиятли ўзлаштирганини кўрсатмоқда.

Энг юқори натижалар Қашқадарё ва Навоий вилоятларида қайд этилди: Жумладан, Қашқадарёда инглиз тилининг “А1” даражасини ўзлаштириш 96,6 фоизни, компьютер саводхонлиги бўйича эса 98,3 фоизни ташкил этди. Навоийда бу кўрсаткич мос равишда 98,9 ҳамда 87,5 фоизга тенг бўлди.

Маҳкумларнинг билим даражаси уларга дарс берган мутахассислар томонидан аниқланмайди. Холислик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида жараёнга алоҳида экспертлар жалб қилиниб, назорат синовлари махсус платформада ҳар ойда ўтказиб келинмоқда. Жазони ижро этиш муассасалари орасида 100 фоизли натижага эришилганлари ҳам бор. Хусусан, Қизилтепадаги 5- ҳамда Қаршидаги 3-колонияларда иккала курс бўйича ўзлаштириш 100 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар тингловчиларнинг таълимга нақадар жиддий ёндашаётганини ҳамда ушбу лойиҳани келажагини ўзгартириш йўлидаги чинакам имконият сифатида қабул қилаётганини кўрсатади.



Президентимиз ташаббуси билан бошланган хайрли иш

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 24 февраль куни Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан ўтказилган мулоқотда жазо муддатини ўтаётган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши муҳимлигини таъкидлаб, “Иккинчи имкон” умуммиллий лойиҳаси бошланишини эълон қилган эди. Шу йилнинг 27 март куни эса бу борада Президентимиз қарори қабул қилинди. Қарор икки мақсадга: озодликка чиққан инсон ишсиз ва таянчсиз қолмаслиги, шунингдек, такроран жиноят содир этилишининг олди олинишига қаратилган. Бу лойиҳа биргина хато сабаб инсон келажагига нуқта қўйилмаслиги керак, деган эзгу ғояга асосланган. Чунки ҳақиқий адолат фақат жазолашда эмас, балки инсонга тўғри йўлга қайтиши учун имконият беришда намоён бўлади.

“Иккинчи имкон” лойиҳаси дастлаб пилот тарзида учта ҳудудда бошланган бўлса, 2027 йилдан республикамиздаги барча жазони ижро этиш муассасаларини тўлиқ қамраб олади. Энг муҳими, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, адашиб жиноят кўчасига кирган инсонларни жамиятга тўлақонли қайтаришга, бу орқали уларнинг келажагини яхшилашга қаратилган бундай комплекс реабилитация тизими нафақат юртимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида мутлақо ягона ташаббусдир.

Аслида, озодликдан маҳрум этилган шахсларга АТ ва рақамли соҳаларни ўргатиш халқаро тажрибада жуда кам учрайди. 2014 йилда Калифорниядаги Сан-Квентин қамоқхонасида бошланган “The Last Mile / Code.7370” лойиҳаси маҳкумларга дастурлашни ўргатиш бўйича дунёдаги энг машҳур нодавлат дастур ҳисобланади. АҚШ тажрибаси асосида Буюк Британияда “Code4000” лойиҳаси юзага келган ҳамда Австралия, Франция, Чили ва Янги Зеландия каби давлатларда ҳам айрим муассасаларда синов тариқасида қўлланилган.

Хорижда бу каби дастурлар одатда нодавлат ташкилотлар томонидан чекланган тарзда ўтказилса, Ўзбекистонда “Иккинчи имкон” лойиҳаси Президентимиз қарори асосида миллий даражада, республикадаги жазони ижро этиш муассасаларини тўлиқ қамраб олган ҳолда ўтказилмоқда. Лойиҳада қатнашиб, билим ва кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштирган битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлаш мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Айни шу жиҳатларига кўра, “Иккинчи имкон” лойиҳасини бемалол дунё миқёсида ўхшаши йўқ деб айтиш мумкин.



Энг муҳим маълумотлар

“Иккинчи имкон” лойиҳаси 18-30 ёшдаги маҳкумларга мўлжалланган бўлиб, унга ўта оғир жиноятларни содир этмаган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган, илк бор қамалган маҳкумлар жалб қилинади. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этган шахсларнинг лойиҳада иштирок этишига қатъий рухсат берилмайди.

Ўқув машғулотлари 8-12 ойлик интенсив дастурлар асосида ташкил этилиб, курсларни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга эгаллаган касби бўйича республика миқёсида тан олинадиган электрон шаклдаги тегишли малакавий сертификатлар топширилади.

Дастур доирасида маҳкумларга 12 ой давомида инглиз тили (A1-B2) пухта ўргатилади. Бундан ташқари, ўқув режасидан “Компьютер саводхонлиги”, “Компьютер сервиси ва тармоқ технологиялари”, “Soft skills”, маълумотлар таҳлилчиси, маркетплейсларда тадбиркорлик қилиш кўникмасини шакллантириш бўйича курслар ўрин олган.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги

“Иккинчи имкон” лойиҳаси тўлиқ “UNICON-SOFT” МЧЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, давлат бюджетидан маблағ талаб этилмайди. Ўқитувчилар иш ҳақи, ўқув хоналарини жиҳозлаш (компьютер жамланмаси, электрон доскалар, ўқув мебели ва ҳоказо) ва методик адабиётлар билан таъминлашдан тортиб, маҳкумларга керакли оддий дафтар ва ручкагача — барча ташкилий ва моддий харажатларни компания ўз зиммасига олган.

2026 йилнинг 29 август куни ИИВ Жазони ижро этиш департаменти, “UNICON-SOFT” МЧЖ, Ватан университети, “MAAB Innovation” ва “SZS Trucking” компанияси ўртасида имзоланган меморандумлар доирасида Ватан университети ҳар йили лойиҳанинг энг муваффақиятли битирувчисини 100 фоизли грант асосида 4 йил бепул ўқитиш ташаббусини илгари сурди.

“Microsoft” компаниясининг Ўзбекистондаги биринчи расмий ҳамкори бўлган “MAAB Innovation” компанияси компьютер саводхонлиги ва инглиз тилини яхши ўзлаштирганлар учун маълумотлар таҳлили бўйича махсус дастур бўйича бепул ўқитиш истагини билдирди. “SZS Trucking” компанияси эса ҳар йили инглиз тилини яхши ўзлаштирган битирувчиларни қисқа курсларда ўқитиб, ўзига ишга қабул қилиш таклифи билан чиқди.

Буларнинг барчаси “Иккинчи имкон” умуммиллий реаблитация лойиҳаси амалда ҳар бир маҳкумнинг келажагини яхши томонга ўзгартиришга қаратилганини кўрсатади.

Энг муҳими, жазони ўтаб озодликка чиққан йигит-қизлар энди кўчада қолмайди, иш излаб сарсон бўлмайди — улар лойиҳа доирасида эгаллаган замонавий билим ва касблари ёрдамида даромадли касб эгасига айланишади ва муносиб ҳаёт кечириш имконига эга бўлади. Бу эса уларнинг жамиятга мослашишига, такрорий жиноятлар камайишига хизмат қилади.

Дилёр ҒАНИЕВ,
“Иккинчи имкон” лойиҳаси менежери



БОЛАЛАРИМИЗ – ЯРАТГАННИНГ ОМОНАТИ

Ҳаётий оғриқлар сабоғи, бугунги кун дардлари ва янги қонун муҳофазаси

Мулоҳаза

Кўпинча болаликни инсон умрининг баҳорига қиёслаймиз. Бу фаслда ташвиш йўқ, ғам йўқ, фақат ширин орзулар ва жарангдор кулгилар бор деб ўйлаймиз. Унинг ҳар бир кунини турфа ўйинлар билан уйғунликда тасаввур қиламиз. Аммо бу қиёсимиз ҳаёт ҳақиқатларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Айрим хонадонларда улғаяётган болакайларнинг чеҳрасига табассум бегона бўлади. Баъзилари мактабдан уйга қайтишни истамайди, айримлари эса катталарнинг қадам товушидан чўчийди. Улар кўз ёш тўкмаслиги, ҳатто ён-атрофдагилар назарида бошқа барча болалар қатори кўриниши мумкин. Лекин аксарият ҳолларда бу ташқи қиёфа алдамчи бўлади.



Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ҳаёт йўлларимда кўрганларим ва кузатганларим шундай хулоса чиқаришга изн беради. Хотирамда ўчмас из қолдирган ҳодисаларни эслаганимда, ҳамиша бир фикрда тўхтайман: болани асраш фақат ота-онанинг эмас, бутун жамиятнинг инсоний ва ҳуқуқий бурчидир.

Яқинда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу масъулиятнинг ҳаётий эҳтиёж эканини англатиш ҳамда уни янада кучайтиришга қаратилган энг кучли муҳофазадир. Унда болаларга нисбатан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш, уларни ҳимоя қилишда масъул идоралар ва таълим ташкилотлари ходимлари вазифаларини аниқ белгилаб бериш, жабрланган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир муҳим нормалар назарда тутилган. Аммо қонуннинг кучи фақат рақамлар, жарималар ёки жазо муддатлари билан ўлчанмайди. Унинг ҳақиқий қудрати болалар тақдирида намоён бўлади. Бола хатар билан юзма-юз келганида, қонун худди яроқ тутган довюрак аскар каби ҳимояга шай турса, бу унинг амалда ишлаётганидан далолатдир.

Боланинг оғриқли товуши қулоққа чалинганда, бу нола етган жойдаги одамлар ҳушёр тортса, демак, қонун талаблари омма онгига чуқур сингиб бормоқда. Ҳар бир банди ана шу инсоний вазифалар ва виждоний бурчга қаратилган мазкур қонунни такрор-такрор назардан ўтказар эканман, хотирам кўзгусида кечаги ва бугунги куннинг аламли воқеалари, куюкли манзаралари жонлана бошлайди.

Академик лицейда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган пайтим эди. Биринчи курсда ўқийдиган, олис ҳудуддан келган бир ўқувчи ота-онаси юборган пулни олиш учун “Отчопар” бозорига бориб келишга рухсат сўради. Қишлоқдан эндигина чиқиб келган ўсмир бўлгани учун уни ёлғиз юборишни истамадим. Гуруҳ раҳбаридан ўқувчига ҳамроҳ бўлишни сўрадим, қўлига йўл ҳақи ҳам тутқаздим. Аммо ўқувчи устозини кутмай, ўзи йўлга тушган. Кун кеч бўлди ҳамки, ундан дарак бўлмади. Болани қидиришга тушдик. Ўз имкониятимиз билан мурод ҳосил бўлмагач, ички ишлар идораларига мурожаат қилдик. Ниҳоят ўқувчини бир ташландиқ жойдан ҳушсиз ҳолда топишди. Шукрки, у тирик эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, бола уйидан келган пулни олаётганини кўриб қолган бир кимса уни ўз машинасида метрогача олиб боришни ваъда қилган. Йўлда эса таркибида ҳушдан кетказувчи модда бўлган рўмолчадан фойдаланиб, болани беҳуш қилган ва бор пулини олиб, ўзини далага ташлаб кетган. Бу воқеадан сўнг тонг саҳар кўзгуга қарасам, бир тутам сочим оқариб қолибди. Эрталабки йиғилишда ўқувчиларни бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилиб, уларни ҳушёрликка чорлар эканман: “Сизлар бизга Аллоҳнинг омонатисиз...”, деганим ҳали ҳам ёдимда.

Мазкур қонунда жисмоний ва жинсий зўравонлик билан бир қаторда руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш, таъқиб этиш ҳамда буллинг ҳам болага нисбатан зўравонлик шакллари сифатида белгиланган. Демак, болани ҳимоя қилиш деганда фақат кимдир унинг мурғак танасига етказган жароҳатга малҳам қўйиш билан чекланмаймиз. Қўрқув туфайли руҳияти заифлашиши, қай бир сабабларга кўра камситилиши, меҳр паноҳи бўлмаган ҳолларда эътиборсиз қолдирилиши, ўқиш ва ривожланиш имкониятидан маҳрум этилиши ҳам жамоатчилик эътиборида бўлиши шарт.

Нима учун биз ушбу битикларимизда шарҳлаётган мазкур қонуннинг муҳофаза қамрови бу қадар кенг? Бу бежиз эмас, албатта. Чунки баъзан болага нисбатан қилинган шафқатсизликка у қадар эътибор бермаймиз. “Ҳали ёш, унутиб юборади”, “Бошида ота-онаси бор, ўзлари ҳал қилади”, деймиз. Аммо болаликдаги баъзи оғриқлар унутилмайди. Улар гоҳ битмас жароҳат изи бўлиб озор берса, гоҳида ҳаётдан тўғри хулоса чиқаришга ўргатади.

Ўсмир ёшдаги рангпаргина бир бола кўп қаватли уйлар оралаб сут сотиб юрарди. Қиш кунларининг бирида совуқдан юз-қўллари қизариб кетган шу болакайни саволга тутдим. Онаси бетоб, отаси мавсумий ишда бўлгани боис, бувиси уни сут сотишга чиқарар экан.

“Кеннойи, қолган сутни арзон бераман, олиб қолинг. Ўтган куни иккита баклашкадагиси сотилмаган эди, бувим мени уриб, кўчага ҳайдаб юборди. Ўқишимдан қолиб кетдим, мактабга боришим керак”, деди у йиғламсираб. Мен ўша изтиробли лаҳзада фақат боланинг кўзидан оққан ёшни эмас, унинг елкасига ортилган рўзғор юкини, қўлларидаги сут идишлардан минг карра залворлироқ қалб оғриғини ўйладим. Унинг ёшидаги бола дўстлари билан ўйнашга шошилади, дарс завқини суради, китоб мутолаасини ўйлайди, келажаги ҳақида орзу қилади. Нега у қишнинг аёзли кунида катталар ташвишини елкалаб юриши керак? Албатта, ҳаётда қувонч ва ташвишлар ёнма-ён яшайди. Оилада касаллик бўлиши, отанинг иши юришмай қолиши, она эса меҳнат лаёқатини чеклайдиган дардга чалиниши мумкин. Аммо иқтисодий қийинчилик боланинг таълимдан узилиши ёки қадр-қиммати қурбон қилиниши эвазига бартараф этилмаслиги лозим. Оилага ижтимоий кўмак, тиббий ёрдам, маҳалла ва тегишли ташкилотлар эътибори зарур бўлган жойда мутасаддилар ўз бурчини бажаришга шошилиши даркор. Қонуннинг моҳияти ва унинг муҳофаза қудратини теранроқ англаш зарурати мана шундай ҳаётий воқеаларда яна ҳам аниқроқ намоён бўлади.

Кечаги кун воқеаларини эслар эканман, хаёлим беихтиёр бугунги кунга, атрофимизда юз бераётган аччиқ ҳақиқатларга кўчади. Бугун ижтимоий тармоқларни ёки янгиликлар тасмасини очсангиз, юракни ўртаб юборадиган, ақлни шошарадиган хабарларга дуч келасиз. Бу шунчаки виртуал шовқин эмас, балки бугунги жамиятимиздаги, шундоққина ён-атрофимиздаги мурғак жонларнинг аламли ноласидир.

Савол туғилади: нега бугун бегуноҳ болалар катталарнинг алами, нафрати ва қасоси қурбонига айланиб қолмоқда? Эрига аччиқ қилиб, ўз жигарбандларини кўп қаватли бинонинг юқори қаватидан ташлаб юборган аёлнинг қалбида қачон, нима сабабдан оналикнинг тенгсиз муҳаббати сўниб улгурди экан? Қайнонасига ёки турмуш ўртоғига бўлган ғазабини жиловлай олмай, мурғак гўдакнинг оғиз-бурнини қонга бўяб, калтаклаган келинга нисбатан: “Ҳаёт уни шундай шафқатсизликка олиб келди”, десак ҳам уни оқлай оламизми, асло! Баъзи ғазабини жиловлай олмаган катталар нега ўз аламини ҳимоясиз боладан олиши керак? Бу шафқатсизликка шафқатсизлик билан жавоб қилиш эмасми?

Ёки дилимизни яралаган яна бир бепарволикни оғриқ билан эслаймиз. Ёзнинг жазирама иссиғида машина ичида унутилиб, дим ҳавода нафаси сиқилиб, азобланиб нобуд бўлган мурғак гўдакнинг ўлимида ким айбдор? Бу шунчаки “тасодиф”ми ёки боланинг ҳаёти ва соғлиғига бўлган совуққонликнинг энг мудҳиш кўринишими? Таълим ва тарбия масканлари бўлмиш боғчаларда, мактабларда болаларга нисбатан қилинаётган жисмоний ёки руҳий зўравонлик, мураббий томонидан туширилаётган тарсаки, тенгқурлар ўртасидаги аёвсиз буллинг ва таҳқирлар-чи?

Ижтимоий тармоқларда бундай видео ва хабарлар тарқалганда, жамоатчилик бонг уради, минглаб одамлар ғазабланади, нафрат ёғдиради. Аммо бу ҳолатдаги кечиккан шовқин-сурон ва вақтинчалик муҳокамалар содир бўлган фожианинг олдини ололмайди, мажруҳ бўлган мурғак руҳиятини бутлаб, бой берилган азиз жонни ортга қайтара олмайди.

Айнан шунинг учун янги қабул қилинган қонунда болани тарбиялаш ва унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажармаслик, болаларга нисбатан зўравонлик содир этиш, ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдириш каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ҳамда жазо чоралари кескин кучайтирилди.

Мазкур қонунга мувофиқ, зиммасига болани тарбиялаш ва унга таълим бериш мажбурияти юклатилган таълим ёки тарбия ташкилоти ходими болага нисбатан зўравонлик содир этгани учун жавобгарликка тортилса, бу ҳолат у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун қўшимча ва қатъий асос ҳисобланади. Бу эса мактаб ва боғчаларимизда боланинг дахлсизлигини таъминлаш, мураббий ҳамда ўқитувчилар масъулиятини ошириш йўлидаги жуда муҳим ҳуқуқий таянчдир.

Боланинг ҳаётига энг кўп жавобгар бўлган инсонлар, биринчи навбатда, ота-онаси ва яқинларидир. Лекин баъзан ҳаётдаги энг оғир жароҳат айнан энг яқин кишилар томонидан етказилади. Буни айтиш осон эмас. Чунки биз оилани муқаддас деб биламиз, ота-она меҳрини табиий неъмат сифатида қабул қиламиз. Аммо оила муқаддаслиги хонадон ичкарисида рўй бераётган нохуш воқеаларга, шафқатсизликларга кўз юмиш ҳуқуқини бермайди. “Саодат” журналига бир аёл йўллаган изтиробли мактубда бундай сўзлар бор эди:



“Турмуш ўртоғимнинг калтакларига, тазйиқларига чидай олмай, уч ёшли ўғлим билан ота уйимга қайтдим. Йиллар давомида йиғиб-терганимни отамнинг қўлига тутиб: “Ҳовли чеккасига бир хона иморат тиклаб олайлик, қозон қайнатиб, рўзғоримни ўзим тебратай, укамнинг оиласи ҳам катталашиб боряпти”, дедим. Улар бунга кўнмади, “Укангни ранжитасан”, дейишди. Отам қазо қилгач, мен учун оғир кунлар бошланди. Бир куни ишда эканимда яқин қўшнимиз сим қоқиб, уйимизда жанжал бўлаётганини, боламнинг зорланиб йиғлагани эшитилаётганини айтиб қолди. Жон ҳолатда уйга югурдим. Бир бурчакда титраб-қақшаб ётган боламнинг оёқлари калтак зарбидан кўкариб, қонаб кетганди. “Аравачада ўтирган гўдагимни йиқитди, ўйнатмай ўлгур. Боши шикастланган бўлса, безори болангнинг оғзидан қонини келтираман. Тоғаси бекорга савалагани йўқ бу шумқадамни”, дея келинойим оғзига келганини бўғзидан қайтармасди...”.

Она бечора нима қилсин? Ўзини ҳам, фарзандини ҳам ҳимоя қилиш учун хорижга кетиб, қора меҳнат қилган. Ўғлини ўқитган, оёққа турғизган. Кейин Ватанга қайтиб, ишлашни давом эттирган. Бу аёлнинг матонатига қойил қолиб, унинг ҳаёт курашларида ғолиб чиққанини эътироф этиш билан бирга мени бир савол қийнайди: нега она ўз фарзандини ўз юртида, ўз яқинлари орасида ҳимоя қила олмади? Нега мусофир юртларда сарсон бўлишга, бегоналар қўлига қарашга мажбур бўлди? Нега норасида боланинг билмай қилган хатоси катталарнинг бу қадар шафқатсиз муносабатига сабаб бўлиши керак эди?

Шу ўринда қонуннинг яна бир муҳим жиҳати намоён бўлади боланинг ҳимоялашга бўлган ҳуқуқи фақат ўз уйидаги катталарнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Агар унинг хавфсизлигига таҳдид туғилса, тегишли идоралар вазиятга аралашиши, хавф даражасини баҳолаши ва ҳимоя чораларини кўриши лозим. “Қариндош-уруғчилик”, “оилавий масала”, “ўзимиз ҳал қиламиз” каби тушунчалар бола ҳуқуқидан устун турмаслиги керак.

Бу ҳақда сўз борганда, 17 ёшли бир қизнинг кечмиши ёдимга тушади. Ҳали мактаб ўқувчиси бўлган пайтида оиласи уни яқин қариндошининг ўғлига унаштириб қўяди. Катталар қиз тақдирини унинг ўзисиз ҳал қилмоқчи бўлишди. Онаси бозорма-бозор кезиб сеп-сидирға тайёрлар, отаси эса қизи билан бу мавзуда гаплашишни ўзига муносиб билмасди. Қизнинг хоҳиши, қўрқуви, келажак ҳақидаги ўйлари эса гўё ҳеч кимга керак эмасдек эди.

Бу ҳолатдан хабар топгач, маҳалла фаоллари билан бирга уларнинг оиласига бордик, суҳбатлашдик. Ота-онасига қизнинг ўқиш истаги кучли эканини, ўз тақдирини ўзи танлаши кераклигини тушунтирдик. Уринишларимиз бекор кетмади, тўй тўхтатилди.

Тўғри, ҳар бир оилавий келишувни ёки қариндошлар ўртасидаги совчиликни қонунбузарлик деб бўлмайди. Аммо вояга етмаган қизга босим ўтказиш, унинг таълим олишга иштиёқини менсимаслик, қонун билан белгиланган никоҳ ёши ва бошқа талабларни четлаб ўтишга уриниш — жуда жиддий масала. Бола манфаатлари катталар обрўси, қариндошлик келишуви ёки “одамлар нима дейди?” деган хавотирдан устун бўлиши лозим.

Болалар масалалари бўйича комиссиялар қарорларини бажармаслик ёки ижросига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учун жавобгарлик белгилаш орқали масъулиятни кучайтириш ҳам мазкур қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. Хусусан, янги қонунда болани тарбиялаш ва унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажармаслик, комиссия қарорларини ижро этмаслик ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик содир этиш учун маъмурий жавобгарлик ва жарималар (айрим ҳолларда эса маъмурий қамоқ жазоси) белгиланган.

Қонуннинг яна бир муҳим кафолати зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилишидир. Жинсий зўравонликка оид ишларда вояга етмаган жабрланувчи учун давлат ҳисобидан адвокат иштироки таъминланади. Бу кафолат замирида катта адолат бор. Чунки жабр кўрган бола ҳар доим ҳам ўз ҳуқуқини мустақил ҳимоя қилишга қодир эмас. Шундай вазиятда унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши шунчаки имтиёз эмас, балки ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги учун зарур таянчдир. Бундай ишларга ёндашувда боланинг шаъни ва руҳий ҳолати ҳамиша диққат марказида туриши керак. Ундан воқеани қайта-қайта сўраб, ҳар сафар ўша оғриқли онларни қайта бошдан кечиришга мажбур қилиш тўғри бўлмайди. Ҳимоя дегани фақат айбдорни топиш эмас, балки жабрланган боланинг қадр-қимматини асраш, руҳан майиб бўлиб қолмаслигини таъминлаш ҳамдир.

Янги қонун ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган айрим оғир жинсий жиноятлар учун жазони ҳам кескин кучайтирди: номусга тегиш ва жинсий тазйиқ ўтказиш йўли билан зўравонлик қилган шахсларга 15 йилдан 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Жазо бу қадар қатъийлиги боланинг жисмоний дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига бўлган тажовузни жамият мутлақо қабул қилмаслигини аниқ кўрсатади.

Болаларни ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, кўпинча тақиқлар ва жазоларни тилга оламиз. Албатта, булар зарур. Аммо болага нисбатан шафқатсизликка қарши курашиш фақат жазо чоралари билан чекланиб қолмаслиги керак. Жамиятда меҳр-оқибат ва масъулият маданиятини юксалтириш зарур.

Бу ҳақда ўйласам, отамнинг бир эзгу иши ёдимга тушади. Ҳовлимизда катта ҳовуз бўларди. Уч ёшли акам ўша ҳовузга тушиб кетиб, нобуд бўлган экан. Онамнинг кўзларида доим ўша ҳасратли кунларнинг ёши ҳалқаланарди.

Бир куни отам оиламизнинг ёлғиз сут бериб турган сигирини сотиш учун бозорга олиб кетди. Онамнинг “Болаларнинг ризқи қийилмайдими?” деган совуқ сўзига отам:

— Бу сигир фақат менинг оиламга кор келади. Агар уни сотиб, ўйлаган ишимни амалга оширсам, бутун эл-юртнинг кунига ярайди, — деб йўлида давом этди.

Отам молнинг пулига эски “Победа” автомобилини сотиб олиб, таъмирлатибди ва уйга телефон ўрнатиб, атрофдаги саккиз кўчага хабар беради. Ўша пайтда шаҳар марказига борадиган бошқа машина йўқ эди. Дадам тунда кимдир чақириб келса, кечикиб қолмай деб этигини ҳам ечмай омонатгина ётиб-турарди. У ўн икки йил давомида элга шундай холис хизмат қилди.

Улғайиб: “Дада, туни билан касал ташиб юрганингизга биров раҳмат дедими?” деганимда, бундай жавоб берганди:

— Қизим, мен буни одамларнинг эмас, Аллоҳнинг ризолиги учун қилдим. У даврда халқ ночор, оналар ва гўдаклар ўлими кўп эди. Кўмагим билан қанчадан қанча она ва боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Мени шу ишларга сабабчи қилган Эгамга қуллуқ. Қани эди, мендан олдин ҳам кимдир “Тез ёрдам” билан шифохонага вақтида етказганида, мунчоқдек ўғлим ерга кўмилмаган бўларди...

Отам ўз дардини бошқаларнинг нажотига айлантирди. У қонун талаб қилгани учун эмас, қалби буюргани учун ёрдам берди. Лекин ҳамма нарсани фақат одамлар виждонига ташлаб қўйиб бўлмайди. Болаларни ҳимоя қилиш бутун тизимнинг, давлат ва жамиятнинг ягона вазифасидир.

Марҳамат туманида ишлаган йилларимда ногиронлиги бўлган уч ўғилни ёлғиз тарбиялаган матонатли бир онани учратгандим. Болаларини махсус муассасага жойлаштиришни таклиф қилишганида “Болаларим — менинг ҳаётим, уларни олиб кетсангиз, ким учун яшайман?” деб рози бўлмаган. Биз бу оилага тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатдик, ўғилларидан бири ҳунарли бўлди. Вояга етган ўғлининг қўлидан иш келганини кўрган онаизорнинг қувончи ҳамон кўз олдимда.

Ногиронлиги бўлган бола фақат ёрдам олувчи эмас, у ҳам ўрганиши, меҳнат қилиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Вазифамиз уларнинг имкониятларини кўра билиш ва инсоний қадрини фақат ташхис билан ўлчамасликдир.

Бола — ота-онанинг мулки эмас. У катталар ўз алами ва нафратини сочадиган нишон эмас. Унинг ўз қалби, ўз ҳуқуқи ва орзу-мақсадлари бор. Болалар бизга Аллоҳнинг омонатидир. Болалик пойдеворининг устунлари оила меҳри, таълим, ижтимоий ҳимоя ва қонун устуворлигидир. Улардан бирортаси заифлашса, боланинг эртанги кунига соя тушади. Болани ҳимоя қилиш бутун бир авлоднинг, миллатнинг келажагини асраш демакдир. Ўз вақтида, зарурий фурсатларда қабул қилинган қонун эса ўша беғубор болаликнинг қудратли муҳофазаси сифатида миллатимиз тарихида қолади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 02:00 Топширилди — 03:20

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.